МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ ОНА-ВАТАНГА!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

114 (3086). | Якшанба, 13 июнь 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ПИЛЛА

Серқуёш республикамизнинг катта пилла карвони куни-кеча манзилга етди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошираётган Ўзбекистон пиллачилари она-Ватан хирмонига 16,5 минг тонна «оқ тилла» тўкдилар. План ўтган йилдагига нисбатан 18 кун илгари муваффақиятли суратда бажарилди. Республикамиз бўйича ҳар қути ипак қуртидан етиштирилган ҳосил 54,5 килограммни ташкил этди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 5 килограмм кўпдир.

Республикамиз пилла хирмонининг ҳар қачонгидан ҳам баракали бўлишига бухоролик, фарғоналик, андижонлик, сурхондарёлик, хоразмлик ва сирдарёлик азамат пиллачилар катта ҳисса қўшдилар.

Шу кеча-кундузда Ўзбекистоннинг ҳамма областлари, районлари ва хўжаликларида давлатга пилла топшириш қизғин давом эттирилмоқда. Республиканинг ғолиб пиллачилари давлатга пландан ташқари яна камида 600 тонна пилла етказиб беришга аҳд қилдилар.

ҚОРАҚУЛ

Республикамиз чорвадорлари қоракўл тери тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Республика қоракўлчилари ўтган йилдагига нисбатан 750 минг дона кўп қўзи олишга муяссар бўлдилар. Ҳар юз совлиқдан ўрта ҳисобда 112 тадан қўзи олинди. 1620 минг қўзи наслга қолдирилди.

ҒАЛЛА

Ўзбекистон колхозлари ва совхозларининг меҳнаткашлари баҳорги ғалла экишни қисқа муддатда ўтказиб, 10 июнда планни бажардилар. 1965 йил учун мўлжалланган план муддатидан илгари 100,1 процент бажарилди.

Баъзибир ўртаги ва кечки нав экинларни экиш давом этмоқда.

Шу кунларда ўзаро текшириш бригадалари областимиз районларида ғўза парваришининг боришини кўздан кечирмоқдалар.

Уларнинг қимматли маслаҳатларига тўла амал қилиб, кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф этайлик!

ДАВЛАТГА ПИЛЛА ТОПШИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1965 ЙИЛ 12 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунлик	Мавсум бошидан бери
Калинин	0,1	94,0
Орджоникидзе	3,4	90,3
Юқори Чирчиқ	4,1	89,4
Ўрта Чирчиқ	2,5	86,8
Янгийўл	1,4	85,9
Бўка	0,9	84,8
Бекобод	0,3	84,8
Оққўрғон	0,7	79,6
Область бўйича	1,5	87,7

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАЛАРИ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР, ОТНИ ҚАМЧИЛАНГ

Бу йил ўртачирчиқлик пахтакорлар янгийўлликлар билан социалистик мусобақа боғлашган. Кунимиз кеча улар Янгийўл районидаги хўжаликларнинг пахта далаларида бўлиб, ғўза парваришини текширдилар. 51 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун кураш олиб борилаётган бу районда ишнинг кўзини биладиган пахтакорлар кўп. Улар меҳнат қилаётган илғор хўжаликларда ҳозир ғўза парваришини дуруст бораяпти.

Охунбобоев номли колхоз раҳбарлари машъал хўжалиги ҳисобланади. Салкам 5 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга бел боғлаган азаматлар шу кеча-кундузда сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳар туп ғўзада кўплаб ҳосил нишоналари тўплашга эришаяптилар. Бегона ўт батамом қириб ташланган. Кўчат сони ҳам етарли. Лекин баъзибир карталардаги ғўза ривожланишдан бироз орқада қолган. Мусобақадошлар ана шу пайкалларга ишлов беришни кучайтириш зарурлигини уқдирилар. Чиноз зонасидаги «Қизил Октябрь» ва Карл Маркс номли колхозлардаги аҳвол ҳам анча дуруст.

Ўртачирчиқликлар «биз ишнинг кўзини билган пахтакорлардан анча нарсаларни ўргандик. Шундан ўз районимизда фойдаланамиз. Муболағасиз айтиш мумкинки, бу бизга ҳосилдорликни 3—4 центнерга ошириш имкониятини беради» дейишди.

Лекин афсуски, райондаги аҳвол умуман олганда жуда қониқарсиз. Кўпчилик хўжаликларнинг раҳбарларида пайдо бўлган ҳавойи мағрурланиш, дастлабки кичик муваффақиятлардан қовлиқиб кетиш кайфияти мусобақадошларни қаттиқ ранжитди. Бу кайфият билан мўлжалдаги ҳосилни етиштириб бўлмайди. Бу йилги шароит жуда нозик. Ёғингарчилик кам бўлди. Ер ўтирмади. Нам бор жойда чигит яхши униб чиқди-ю, нам йўқ жойда ола униб чиқди. Хўжаликларда оласига чигит экиш ташкил этилмади. Шунинг натижасида, умуман район бўйича олганда, кўчат сони кам бўлиб қолди. Кўпчилик хўжаликларда ҳар гектар ерда 50—55 минг тупдан ортиқ кўчат йўқ. Аҳвол шундай аянчли бўлишига қарамасдан баъзибир колхозларнинг раҳбарлари мусобақадошларни ҳатто алдашга ҳам урининб кўрдилар. Улар «кам деганда 80—85 минг туп кўчатимиз бор» деб кўрсатишган майдонларни текшириб кўрилганда атиги 60—64 минг тупдан кўчат борлиги маълум бўлди.

Кўчат кам бўлишига қарамасдан, кўпчилик хўжаликларда ғўза туплари нобуд бўлиб кетяпти. Бир группа мусобақадошлар «Партия XXI съезди» колхозини текширишди. Бу хўжалик бир неча йиллардан буён пахта тайёрлаш планини бажармай келади. Ҳосилдорлик пасайиб кетган. Шундай бўлишига қарамасдан бу йил ҳам ишда бурилиш ясалмаяпти. Колхоз бўйича 16 та звено тузилган. Шу звеноларнинг бирортасида ҳам ола униб чиққан ерларга чигит экилмаган. Бунинг устига бирорта карта яганадан тўлиқ чиқарилмаган. Бир ўзда беш-олтитадан тортиб то 15 тагача кўчат бор. Кўчат зич бўлганлиги учун ғўза ниҳоятда нимжон бўлиб ўсяпти.

Хўжалик бўйича 196 гектар ерни қалин ўт босган. 120 гектар майдондаги ғўзалар эса қаттиқ чанқаб қолибди. Колхоздагилар шошиб қолишибди, на ўтни йўқотишни, на суғоришни билишади. Мусобақадошлар тезда суғориш керак, деб маслаҳат беришди. Акс ҳолда ғўза «куйиб» кетиши мумкин. Ундан кейин дарҳол ўтни қириб ташлаш керак.

Қўл чопиғи қониқарсиз ташкил этилган. Бу ишда звено принципига амал қилинмаяпти. Шунинг учун ҳам чопиқчилар бегона ўтларни обдон тозалашмаяпти, ғўзанинг томирини очиб кетишяпти. Суғоришнинг сўръати ҳам жуда суст. Ҳар бир сувчи кунига атиги ярим гектар майдоннигина суғоряпти. Холос. Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари колхоз раиси Аҳмад Ғаффоровни қаттиқ изза қилишди. Унга ҳозирги қилинаётган иш билан мўлжалдаги пахтаки етиштириш мумкин эмаслигини айтишди. Шунингдек, тўрт-беш кун ичида 120 гектар ердаги чанқоқ ғўзани суғориш, 196 гектар ердаги бегона ўтни йўқотиш, чопиқчиларга карталарни бўлиб-бўлиб бериш, сифат инспекторларининг назоратини кучайтириш керак, деб маслаҳат бердилар.

Собир Раҳимов номли колхоздаги аҳвол бундан ҳам чатоқ. 300 гектар ерни қалин ўт босиб ётибди. Гектарлардаги туп сони 55—60 мингдан ошмайди. Бунинг устига-устак кўчат нобудгарчилигига йўл қўйилмоқда. Мусобақадошлар бир картага боришганда, трактор кўчатни қақшатиб кетаётганини кўриб беихтиёр ранжишди. Дарҳол тракторни тўхтатишди. Маълум бўлишича, ишчи органлари нотўғри ўрнатилганлиги туфайли трактор кўчатни қирқиб кетаётган экан. Мусобақадошларнинг маслаҳати билан ўша ернинг ўзида ишчи органлари тўғри қилиб ўрнатилди.

Колхоз агрономи чопиқчиларни йиғиб келиб, мусобақадошлар ўтадиган йўл ёқасидаги пайкалда ишлашаётган экан. Унинг бу иши меҳмонларни қаттиқ ранжитди. Ахир кўзбўямачилик кимга керак? «Шуларнинг кўзига яхши кўринай» деган билан мўл ҳосил етиштириб бўлмайдику! Ўртачирчиқликлар бу колхоз пахтакорларига ҳам анча қимматли маслаҳатлар беришди. Икки-уч кун ичида карталардаги кўчатни санаб, звено бошликларига ҳужжат билан бериб қўйиш керак. Шундай қилинганидагина уларнинг кўчатни сақлаб қолишга нисбатан масъулияти ошади.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари «Ленинград», «Шарқ юлдузи» колхозлари ва «Халқобод» комбинатининг далаларида ҳам ана шундай аянчли аҳволга дуч келдилар.

Умуман район бўйича тунги суғоришни яхши деб бўлмайди. Тўғри, илғор хўжаликларда ғўза кеча-кундуз сувга қондириляпти. Лекин аксарият колхозларда эса бу ишга мутлақо эътибор берилмаяпти. Кўпчилик карталардаги ғўзанинг ўсиш нуқтасини трипс еб қўйибди. Деҳқонлар «бу йил ўргимчаккана йили» дейишяпти. Ҳозир ўргимчаккана истаган картада учратиш мумкин. У урчияпти, тез кунда тарқалабошлайди. Шунинг учун зудлик билан унга қарши курашмоқ керак.

Қўл меҳнатини звено принципи асосида ташкил этиш, ҳақ тўлашни яхшилаш юзасидан Ленин номли колхознинг ўртоқ Н. Эшев бошлиқ участкаси деҳқонлари ажойиб ташаббус бошлашди. Бу ташаббусни ўртачирчиқлик деҳқонлар зўр мамнуният билан қўллаб-қувватламоқдалар. Лекин, Ленин номли колхоз жойлашган Янгийўл районининг ўзида бу ташаббусни оммалаштиришга етарли эътибор берилмаяпти. Ахир бу ўятли бир ҳол эмасми?! Бундан ташқари кўпчилик хўжаликларда далада ишлаётганларга кўнгилдагидай маданий-маиший шароит яратиб берилмаган. Пахтани одамлар етиштиради. Шундай экан, биринчи навбатда одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим.

Кечқурун Янгийўл район партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлисида ўртачирчиқлик мусобақадошлар хўжаликларда аниқлаган жиддий камчиликлар тўғрисида қуюниб гапирдилар. Агар янгийўлликлар ҳозир мавжуд бўлган камчиликларни тезда бартараф қилсалар, пайкалларда бор бўлган кўчатни тўла-тўкис сақлаб қолишга асосий эътиборларини қаратсалар, кузакда пахта тайёрлаш планинигина эмас, ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажаришга эришадилар.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози аъзолари ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида намунали олиб бормоқдалар. Суратда: механизатор-звено бошлиғи Алексей Ким ғўза қатор оралариға сифатли ишлов бермоқда. У меҳнат қилаётган 7-бригада пахтакорлари бу йил 142 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ҚАРДОШЛАРЧА ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, А. И. Микоян, А. Н. Косигин ўртоқлар Германия Демократик Республикасининг раҳбарлари — В. Ульбрихт, В. Штоф, И. Дикман, Э. Корренс ўртоқларга телеграмма йўлладилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети, дейилади телеграммада, Совет Иттифоқи халқлари номидан Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларини СССР билан ГДР ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган кунининг бир йиллиги билан қизғин табрикладилар. Дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларда янги давр очди. Бу шартнома Германия Демократик Республикаси чегарасининг дахлсизлигини гарантиялаб бериш билан Европада тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим фактори бўлиб қолди.

Табрикномада Германия Демократик Республикасининг ишчилари, деҳқонлари, меҳнаткаш интеллигенциясига, Германия Бирлашган Социалистик партияси ва унинг марказий комитетига, ГДР Давлат Кенгаши ва ҳукуматига, демократик партиялар ва ташкилотларга, Демократик Германия миллий фронтига социализм қурилишида, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилаб истак билдирилади.

* * *

Германия Демократик Республикаси билан СССР ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома имзоланган кунинг бир йиллиги муносабати билан Германия Демократик Республикасининг раҳбарлари В. Ульбрихт, В. Штоф, И. Дикман, Э. Корренс ўртоқлар Л. И. Брежнев, А. И. Микоян, А. Н. Косигин ўртоқларга телеграмма юбордилар. Телеграммада айтиладики, ана шу тарихий ҳужжат имзоланганидан кейин ўтган бир йил шартноманинг жуда катта миллий ва халқаро аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади. Германия Демократик Республикаси халқи билан СССР халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстона ва кардошлик муносабатлари шу шартнома асосида янада мустаҳкамланди ва тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилди. Шартнома социализм ва коммунизм қуриш ишида ҳар томонлама ҳамкорликнинг ривожлантирилишини таъминлайди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ШВЕЦИЯ БОШ МИНИСТРИ ТАГЕ ЭРЛАНДЕР

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ шу йил 10 июнда Москвага келган Швеция Бош Министри Таге Эрландер Ўзбекистонга ҳам келади.

Таге Эрландер 1901 йил 13 июнда Вермланд вилоятидаги (Ғарбий Швеция) Рансатер деган жойда мактаб ўқитувчиси оиласида туғилган. У, ўрта мактабни тамомлагач, Лунд университетига кирди ва бу университетни 1928 йилда тамомлаб, фалсафа фанлари кандидати деган илмий даража олди. Т. Эрландер 1928 йилдан 1938 йилгача Швеция энциклопедия луғатининг секретари, сўнгра эса редактори бўлиб ишлади. 1951 йилда унга Лунд университетининг фалсафа бўйича фахрий доктори унвони берилди.

Т. Эрландер университетда ўқиган вақтида студентлар ташкилотларининг фаолиятида актив қатнашди ва Швеция Социал-демократик ишчи партиясига кирди.

Таге Эрландер 1930 йилда Лунд шаҳри вакиллар кенгаши составига сайланади. У, 1932 йилда Социал-демократик ишчи партиясидан Швеция риксдаги (парламенти) иккинчи палатасининг депутати бўлади.

Т. Эрландер 1934 йилдан 1937 йилгача молия министрлигида меҳнат масалалари бўйича эксперт бўлиб ишлади. 1938 йилда у, социал ишлар министрлигининг статс-секретари лавозимига тайинланди ва, жумладан, уй-жой қурилиши масалалари билан шуғулланди. Иккинчи жаҳон уруши вақтида у граждан мудофаси ва ҳаво ҳужумига қарши мудофаа масалалари билан ҳамда фашист Германияси босиб олган мамлакатлардан қочиб келган кишиларга ёрдам бериш масалалари билан ҳам шуғулланди.

Т. Эрландер 1944 йилда Швеция ҳукуматида мансабсиз министр, 1945—1946 йилларда эса маориф ва диний ишлар министри бўлди.

Таге Эрландер 1946 йил октябрида Швеция Бош Министри бўлди ва ҳозирги пайтгача шу вазифада ишлаб келмоқда. Т. Эрландер ўша пайтдан буён Швеция Социал-демократик ишчи партиясига раҳбарлик қилиб келмоқда, 1948 йилда ўтказилган партия съездида эса бу партиянинг раиси қилиб сайланди.

Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Т. Эрландер 1956 йилда расмий визит билан Совет Иттифоқига келган эди.

Таге Эрландер Швеция ўтказиб келаётган бетарафлик сиёсатининг изчил тарафдоридир. У, тинч-тотув яшаш принциплари асосида Швеция билан Совет Иттифоқи ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш кераклигини кўп марта айтди.

ЖАЛЛОДЛАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛСИН

Шу йил 9 июнда СССР ташқи ишлар министрлиги АҚШ Канада ва Германия Федератив Республикасининг Москвадаги элчихоналарига ноталар юбориб, ҳозирги вақтда шу мамлакатларда яшаб турган ҳарбий жиноятчилар—Эйхелис, Майковскис ва Пунтулисни тутиб беришни талаб қилди. Ноталарда шу нарса кўрсатиладики, мазкур шахслар Латвия ССРни фашист қўшинлар оккупация қилиб турган вақтда Рёзекне уезди полициясига бош бўлиб, гитлерчилар билан ҳамкорлик қилганликлари, совет гражданларини қўллаб отиб ташлаш ва қатл этишда қатнашганликлари, шунингдек совет кишиларини қул қилиб германияга зўрлаб ҳайдаб кетишда фашистларга ёрдам берганликлари учун СССР тергов органлари уларга қарши жиноий иш қўзғатдилар.

Немис-фашист босқинчилар оккупацияси даврида Латвия ССРнинг Рёзекне уезди территориясида нацистлар билан уларнинг гумаштаблари ҳеч бир гуноҳи бўлмаган 15 мингдан ортиқ кишини, шу жумладан 2000 дан ортиқ болани, шунингдек уездда истиқомат қилувчи яҳудий ва рўми миллатига мансуб бўлган барча кишиларни отиб ташлаганлар.

Гитлерчилар германиясига қарши урушда қатнашган давлатларнинг амалдаги халқаро битимларида, ҳарбий жиноятчилар қамоққа олиниши ва мазкур кишилар қайси мамлакат территориясида жиноят қилган бўлсалар, суд қилиб, жазолаш учун шу мамлакатларга берилиши керак, деб белгиланган. Ҳарбий жиноятчиларни тутиб бериш ва жазолаш хусусидаги тегишли мажбуриятлар Германия Федератив Республикасининг зиммасига ҳам юклатилган.

СССР ташқи ишлар министрлигининг ноталарида яна қуйидагилар айтилади: совет ҳукумати барча ҳарбий жиноятчилар жазоланиши лозим, деган қатъий фикрга амал қилиб, АҚШ, Канада ва Германия Федератив Республикасининг ҳукуматлари мазкур ҳарбий жиноятчиларни тутиб, совет ҳукумати маъмурларига топшириш учун тегишли чораларни кўрадилар, деб умид қилади.

(ТАСС).

ВЛКСМ Марказий Комитетининг VII пленуми

11 июнда Москвада ВЛКСМ Марказий Комитетининг VII пленуми ёпилди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павловнинг «Комсомолнинг ташкилотчилик ишини партиянинг ҳозирги талаблари даражасига кўтарайлик» деган темада қилган доклади юзасидан музокараларда иттифоқдош республикалар комсомол марказий комитетларининг секретарлари, ўлка, область комсомол комитетлари ва бошланғич комсомол ташкилотларининг секретарлари сўзга чиқдилар. Пленум қатнашчилари комсомолнинг ҳаётига доир муҳим масалаларни муҳокама қилдилар. Ёшлар ўртасида тарбия ишининг услуб ва формаларини янада такомиллаштириш тўғрисида гапирдилар.

СССР ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси П. Н. Решетов совет ёшларининг «бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун курашга бағишланиб Жазоирда ўтказиладиган IX жаҳон фестивалига тайёргарлиги тўғрисида ахборот берди.

Пленум С. П. Павлов доклади юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

(ТАСС).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети давлатга пилла сотиш топширигини бажарганликлари учун қуйидагиларни область «Ҳурмат тахтаси»га ёзишга қарор қилдилар:

УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Терешкова номли колхоз (раиси **У. Ҳасанова**, партия ташкилотининг секретари **Т. Одилов**, агротехник **У. Анорбоев** ўртоқлар). Колхоз 4 минг ўрнига 4047 килограмм пилла сотиб, планини 101,2 процент бажарган.

Свердлов номли колхоз (раиси **М. Нуриддинов**, партия ташкилотининг секретари **Т. Мирбобоев**, агротехник **Р. Қоратоев** ўртоқлар). Колхоз 9 минг ўрнига 9 минг 21 килограмм пилла сотиб, планини 100,2 процент қилиб бажарган.

«Полярная звезда» колхози (раиси **Ким Пен Хва**, партия ташкилотининг секретари **А. Тё**, агротехник **С. Хан** ўртоқлар). Колхоз 6 минг 500 ўрнига 6534 килограмм пилла сотиб планини 102,1 процент қилиб адо этган.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози (директори З. Маҳсумов, партия ташкилотининг секретари **В. И. Пак**, агротехник **Юсупов** ўртоқлар). Совхоз 2600 ўрнига 2754 килограмм пилла топшириб, планини 105,9 процент бажарган.

1-«Оққўрғон» совхози (директори **Т. Набиев**, партия ташкилотининг секретари **Ж. Элчибоев**, агроном **Ф. Мамадалиева** ўртоқлар). Совхоз 2400 ўрнига 2426 килограмм пилла сотиб, планини 101,5 процент бажарган.

Свердлов номли колхоз (раиси **Х. Юсупов**, партия ташкилотининг секретари **Р. Бобомуродов**, агроном **Тимиршина** ўртоқлар). Колхоз 7650 ўрнига 7688 килограмм пилла сотиб, планини 100,5 процент бажарган.

«Озод» колхози (раиси **Б. Сулаймонов**, партия ташкилотининг секретари **А. Аҳмедов**, агротехник **М. Миржалилов** ўртоқлар). Колхоз 8001 килограмм пилла сотиб, планини 100 процент бажарган.

«Коммунизм» колхози (раиси **Шин Ден Дин**, партия ташкилотининг секретари **К. Абдуғаффоров**, агротехник **У. Холмирзаев** ўртоқлар). Колхоз 1514 килограмм пилла сотиб, планини 100,1 процент қилиб бажарди.

«Победа» колхози (раиси **Н. Пак**, партия ташкилотининг секретари **Ан Мон Хо**, агротехник **Л. Ан** ўртоқлар). Колхоз 1200 ўрнига 1233,5 килограмм пилла сотиб, планини 102,8 процент бажарган.

БЎКА РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Ленинобод» колхози (раиси **Ю. Мамашаев**, партия ташкилотининг секретари **Я. Юсупов**, агротехник **Х. Одилов** ўртоқлар). Колхоз 3 минг ўрнига 3100 килограмм пилла сотиб, планни 103,3 процент бажарган.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Қизил туғ» колхози (раиси **Б. Мўминов**, партия ташкилотининг секретари **Т. Жўрабенов**, агротехник **Тайнибоев** ўртоқлар). Колхоз 4500 ўрнига 4699 килограмм пилла сотиб, планни 104 процент бажарган.

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Калинин номли колхоз (раиси **Ф. Абдуллаев**, партия ташкилотининг секретари **К. Усмонов**, агротехник **Т. Шермуҳамедов** ўртоқлар). Колхоз 13400 ўрнига 13444 килограмм пилла сотиб, планини 100,6 процент бажарган.

Оржоникидзе номли колхоз (раиси **С. Жўраев**, партия ташкилотининг секретари **А. Бойбобоев**, агротехник **С. Қурбонова** ўртоқлар). Колхоз 7600 ўрнига 7649 килограмм пилла сотиб, планини 100,6 процент бажарган.

Охунбобоев номли колхоз (раиси **З. Жалилов**, партия ташкилотининг секретари **Ҳ. Ҳакимов**, агротехник **А. Акбаров** ўртоқлар) Колхоз 12 минг ўрнига 12016 килограмм пилла сотиб, планини 100,1 процент бажарган.

Навоий номли колхоз (раиси **А. Нишонов**, партия ташкилотининг секретари **В. Азизов**, агротехник **И. Мадаминов** ўртоқлар). Колхоз 7200 ўрнига 7285 килограмм пилла сотиб, планини 101,2 процент бажарган.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Шарқ юлдузи» колхози (раиси **Ҳ. Турсунқулов**, партия ташкилотининг секретари **Б. Султонов**, агротехник **С. Деҳқонов** ўртоқлар). Колхоз 11650 ўрнига 12087 килограмм пилла сотиб, планини 103,7 процент бажарган.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантиришнинг ёрқин йўлларини белгилаб берди. Пленум қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда бир қатор камчиликларга йўл қўйиб келинганлиги, субъективизм, юқоридан туриб планларни ҳа деб ўзгартираверишлар, буйруқбозлик, колхоз ва совхозларнинг кенг ташаббус кўрсатиб ишлашлари учун ҳалақит бериб келганлигини очиб ташлаб экан, эндиликда узоқ муддатга мўлжалланган ягона план тузилиши, бу планларни ишлаб чиқишда ҳар бир колхоз, ҳар бир совхознинг конкрет шароити ҳисобга олинишга қайд қилинди.

Эндиликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда — биринчи навбатда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлиги асос қилиб олинади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат харид нархининг оширилиши туфайли хўжаликларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш учун шароит яратилди.

Партиямиз томонидан амалга оширилаётган тадбирларнинг моҳияти колхозчилар, совхоз ишчиларининг онгига қанчалик тез сингдирилса, бепоён экин майдонларида деҳқонларимиз шунчалик ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлайдилар. Район партия комитети ана шуни ҳисобга олиб, колхоз ва совхозларда КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини тушунтириш юзасидан бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди.

Район партия комитети аъзоларидан 31 киши шу мақсадда хўжаликларга юборилди. Улар амалий ишга бошлашдан олдин колхоз правлениеси ва партия ташкилоти билан ҳамкорликда хўжаликнинг экономикасини ўргандилар, фойдаланилмаётган резервлар, бой берилаётган имкониятларни билиб олдилар, сўнгра эса меҳнаткашлар ўртасида суҳбат ва лекция уюштирдилар.

Агитация, пропаганда ишларининг савиясини яхшилаш, унинг таъсирчанлигини кучайтиришда радиоузеллардан фойдаланиш ҳам яхши натижа бермоқда.

Район партия комитети томонидан ўтказилган пропагандистларнинг семинарида ҳам бош тема КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш масаласи бўлди. Шунингдек, район «Билим» жамияти аъзолари билан ҳам бу соҳада кўпгина ишлар олиб борилди.

Колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари, сиёсий ташкилотчилари шу кунларда омма орасида катта тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Район бўйича ҳаммаси бўлиб 1800 сиёсий

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ташкилотчи бор. Уларнинг ҳар бири район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими томонидан тайёрланган эсдалик дафтарчалари билан таъминланган. Пленум қарорларини оммага етказишда район партия комитети бюросининг аъзоси Е. Пўлатов, райком инструкторларидан Р. Низомов, Р. Азимов ўртоқлар айниқса ғайрат кўрсатишяпти.

Қишлоқ агитпунктлари ҳам кечки пайтлари колхозчилар, совхоз ишчилари билан гавжум бўлмоқда. Агитаторлар колхозчилар, совхоз ишчиларининг йиғилишларида уларни қизиқтирган саволларга жавоб бермоқдалар. Айниқса «Ленин йўли», С. Раҳимов номли, Охунбобоев номли, «Октябрь» колхозлари, «Партия XXI съезди», «Назарбек», «Қорасув» совхозлари агитпунктлари бу соҳада кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. У. Тўхтаев, Х. Сулаймонов, И. Ғаффоров, Р. Эшимбоев каби агитаторлар қизил чойхона, клуб ва дала шийпонларида Пленум материалларини меҳнаткашларга содда ва қизиқарли қилиб, маҳаллий шароитга боғлаб тушунтираётирлар. Шунинг учун ҳам улар суҳбат ўтказадиган жойга кўплаб меҳнаткашлар тўпланишади. Ўтказилган суҳбат, лекциялар юзасидан қизғин савол-жавоблар бўлади. Бу агитаторлар меҳнаткашларнинг саволларига конкрет мисоллар келтириш билан содда, равон жавоб беришга ҳаракат қиладилар.

Ўз меҳнатларидан қанчалик манфаатдор эканликларини яққол ҳис қилган колхозчилар, совхоз ишчилари дала ишларини ҳар вақтдагидан ҳам қизитиб юборганлар. Улар қишлоқ хўжалигининг барча тармоғи рентабелли бўлишини таъминлаймиз, деган шиор остида меҳнат қилмоқдалар.

Шу кунларда районимиз меҳнаткашлари дастлабки муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ҳозир шаҳарликлар дастурхонига ва Ватанимизнинг узоқ чеккаларига эртаги карам, картошка, лавлаги, пиёз каби маҳсулотлар кўплаб жўнатилмоқда.

Районимиз хўжаликларида фан ютуқлари, илғор тажрибалардан кенг қўлланилмоқда. Карл Маркс номли колхознинг Х. Убайдуллаев, С. Икромов, С. Мирҳожиев ўртоқлар бошлиқ бригадалари деҳқонлари химия мўъжизаларидан фойдаланишади. Улар полиэтилен плёнкаси остида бодринг ва редиска етиштириб катта даромад қилмоқдалар. Агитаторларимиз ана шу сингари тажрибакорларнинг усулларини оммалаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда район партия комитети кенг меҳнаткашлар оммаси, коммунист ҳамда комсомолларнинг кучига таянмоқда. Ҳамма колхоз ва совхозларда ўзаро социалистик мусобақа кучайтириб юборилган. Бригада ва звенолар ўртасидаги бу мусобақа натижалари вақти-вақти билан якунланиб, илғорлар рағбатлантирилмоқда.

Етти йилликнинг сўнгги йилида давлатга 15880 тонна пахта, 68 минг тонна сабзавот етказиб бериш учун курашаётган районимиз деҳқонлари дала ишларини сифатли ўтказмоқдалар. Эртаги экинларни йиғиштириб олиш, ўртаги экинлар парвариши ва кечки экинларни экиш оммавий тарзда ўтказилмоқда.

Районимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг сабзавот, қовун-тарвуз, картошка маҳсулотларини кўпроқ етказиш тўғрисидаги қарорига жавобан давлатга белгиланганидан кўра кўпроқ пахта, сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб бериш учун курашмоқдалар.

Г. ИСЛОМОВ,
Калинин район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

„ҚОРА ОЛТИН“ КАРВОНИ

Оҳангарондаги 9-шахта коллективи ойлик кўмир қазиб чиқариш топшириқларини муттасил ортиғи билан адо этмоқда. Кончилар прогрессив технологияни жорий қилиш, илғор иш усулларини кенг қўлланиш, мавжуд техникадан унумли фойдаланиш туфайли шу йилнинг беш ойлик планини 104,6 процент қилиб адо этдилар. Истеъмолчиларга қўшимча равишда деярлик 20 минг тонна «қора олтин» жўнатилди.

Корхонанинг биринчи коммунистик меҳнат участкаси шахтёрлари ишда янада юксак кўрсатгичларга эришмоқдалар. Улар участкалар ўртасида биринчи бўлиб кўмир қазиб чиқариш ярим йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

И. АҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Ҳалима Қораева Тошкент пластмасса буюмлари заводида пресс-ловчи бўлиб ишлайди. Унинг меҳнатидан ҳамма хурсанд. Смена топшириқларини ортиғи билан адо этмоқда. Тайёрлаётган маҳсулотлари аъло баҳолар билан қабул қилиб олиняпти. Суратда: пешқадам ишчи ўртоқ Ҳ. Қораева иш устида.

А. Палехов фотолари.

Слесарлик касбининг ҳам ўз машққатлари бор. Ишдан чиққан қисмлар ёки детал слесарь қўлида янгидан туғилади. Миллиметрга янглишса ҳам тамом, маҳсулоти брак бўлади, қилган меҳнати зое нетади. Шоди Нарзиқулов буни яхши уққан. Шунинг учун ҳам у доимо аъло сифатли деталлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади ва шунга эришаяпти ҳам. Илғор ишчи смена топшириқларини доимо ортиғи билан адо этиб барчага ўрнак бўлмоқда.

Шоди Нарзиқулов корхонада фақатгина илғор слесарь эмас. У жамоатчилик ишларида ҳам актив қатнашади. Дўстлари Шодини завод касаба союзлари комитетининг раиси қилиб сайлашган. Ҳамкасблар турли масалалар бўйича унга мурожаат қилишади. Шоди ишчилар талаби ва таклифига қулоқ солиб уларга вақтида ёрдам кўрсатмоқда. Суратда: Тошкент ремонт-механика заводи слесари ўртоқ Ш. Нарзиқулов навбатдаги деталга ишлов беряпти.

ҚАНОТЛИ РЕЦЕПТЛАР

Бир одам бетоб бўлиб қолди, врач унга дори ёзиб берди, лекин у беморнинг дастёри бўлмаса, дорини қандай қилиб олиб келиши мумкин? Тошкентнинг Каблуков кўчасидаги 7-аптеканинг дори тайёрловчилари поликлиника билан мустаҳкам алоқа ўрнатдилар: дастёри йўқ ёлғиз беморни бориб кўрган врач қандай дори-дармонлар кераклигини аптекага хабар қилади. Бу дори-дармонлар дарҳол беморнинг уйига элтиб берилади.

Тажрибали фармацевт Ғиёс Мухторович Бурнаев раҳбарлик қилаётган меҳрибон кичик бир коллектив ночор одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўймоқда. Шу аптекага келаётган кишиларнинг ўндан саккиз қисми дориларни аввалдан буюртмасдан шу зоҳатиёқ олиб кетмоқда. Бу муваффақиятга дори-дармон восталари ишлаб чиқариш узлуксиз бораётганлиги туфайлигина эмас, балки шу билан бирга аптека ичидаги стандартлаштириш натижасида ҳам эришилмоқда. Аптека ходимлари қандай рецептлар кўпроқ келаётганини ҳар томонлама ўргана бориб, шундай дориларни олдиндан кўплаб тайёрлаб қўймоқдалар. Бу — аҳолига қулай ва аптекага манфаатлидир.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳарлар ҳамда район марказларидаги бир қанча аптекаларда бирор касаллик билан доимий оғриб турадиган беморларга уларга кераклн дори-дармонлар аптекага келганлигини почта орқали хабар қилиб туриш одат тусига кириб қолди. Вужудга келтирилган ахборот хизмати қайси дори-дармонларни қайси аптекалардан топиш мумкинлигини айтиб бериб турибди. Тошкентдаги 14-аптекада маҳаллий радио орқали дориларни ичиш ва сақлаш қоидалари тўғрисида шу ерга келган кишилар билан қисқача суҳбатлар ўтказилмоқда.

Республика аптека ходимларининг Тошкентда ўтказилган биринчи учрашувида фармацевтика хизматини такомиллаштиришга доир бошқа мисоллар ҳам айтиб берилди. Сўнгги беш йил ичида республикадаги аптекалар бир ярим баравар кўпайди. Катта корхоналарда ва поликлиникаларда юзта аптека филиали очилди. Ёзги дала ишлари бошланиши биланоқ, кўчма аптекалар далаларга йўл олди.

Учрашув қатнашчилари дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи фармацевтика саноатига бир қанча эътирозлар билдирдилар, аптекалар тармоғини янада кенгайтириш юзасидан, уларга дори-дармонларни узлуксиз етказиб бериб туриш юзасидан, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан бир қанча таклифлар киритдилар. (ЎзТАГ).

БОЛГАРИЯЛИК ДЎСТЛАР ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎРТОҚЛАШМОҚДАЛАР

ЎРГАОВУЛ, (Тошкент области), 11 июнь. (ЎзТАГ). Калинин районидаги Свердлов номли колхозда қишлоқ қурилиш ташкилотлари усталарининг область семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган болгариялик дўстлар семинарда қишлоқларни ободонлаштириш тажрибасини ўртоқлашдилар.

Сладун Хасков округ жамоат партия комитетининг секретари Иван Иванов ғишт қўйиш ва пиширишнинг болгар халқ усули тўғрисида гапириб берди. Бу усул уйларни жуда оз маблағ сарф қилган ҳолда ғоят қисқа муддатларда қуриб битказиш имконини беради. Сўнгра болгариялик меҳмон бинокорлик корхомасини кийиб олиб, махсус майдончада ғишт қўйиш технологиясини кўрсатиб берди. Дўстларимиз Ўзбекистондан кетгунларига қадар Свердлов номли колхозда шу ғиштлардан намунали уй қуриб берадилар.

Ўзбекистон савзавот-полиз экинлари ва картошка институтида Димитровоград шаҳри оранжереясининг директори Янко Янев сабзавот етиштириш тажрибасини ўртоқлашди. У, жумладан, пастқам бўлиб ўсадиган помидорларни симга боғлаб ўстириш усулини кўрсатиб берди.

ГЎЗАЛЛИК БУНЁДКОРЛАРИ

Гусейн Куртвелиев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи меҳнатда доиг тараттанлардан. Бригада аъзолари кўпйиллик тажрибага эга. Улар кўлидан пойтахтимизнинг қатор шинам турар-жойлари, мактаблар ва боғча бинолари чиққан. Шаҳримиз жамолини очишда ўз ҳисса ларини қўшиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда бригада аъзолари пойтахтимизнинг Гвардейск кўчасида янги мактаб биносини бунёд этмоқдалар. Қурилиш майдонида иш қизғин. Дурадгорлар том устини ёпишаяпти. Пастда смола қайнатиляпти. Машиналар бошқа хил қурилиш материалларини бинокорлар кўли остига етказиб бермоқда. Меҳнат кўтаринкилиги жўш уради. Улар бу мактаб биносини янги ўқув йили бошлангунга қадар фойдаланишга тахт қилиб қўйишга бел боғлашган.

Бинокорлар қурилиш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланганликлари натижасида қурилиш таннархи анча арзонлашди. А. Абдувахобов, Р. Зарипова, Н. Антонова, Г. Кончаров каби кўли гул бинокорлар суръатга суръат қўшиб ишламоқдалар. Улар кўлидан чиқаётган участкалар доимо аъло баҳолар билан қабул қилиб олинаяпти.

159-трестнинг 9-қурилиш бошқармасига қарашли бу бригада коллективи ўзининг ишчанлиги, интизомлилиги билан барчага танилган. Тарбиявий ишлар намунали йўлга қўйилган. Кўпгина ёшлар бу ерга келиб ҳунар ўрганмоқдалар, уста бинокор бўлиб етишмоқдалар.

Л. АЛИМОВА,
А. ЗОКИРОВ.
Тошкент Давлат университети филология факультетининг студентлари.

ЯҚИН ЁРДАМЧИ

Деворий газетамиз — колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг энг яқин ёрдамчиси. Шунинг учун ҳам колхозчилар унинг ҳар бир сонини севиб ўқишади.

Биз редколлегия аъзолари актив мухбирларга суяниб, газетани ҳар ойда икки марта мунтазам чиқариб туришга, унда бериладиган материалларнинг ўқимишли ва таъсирчан бўлишига ҳаракат қилмоқдамиз. Бу соҳада колхоз бошланғич партия ташкилоти бизга доимо ёрдам бериб турибди.

Деворий газетамизнинг навбатдаги сонининг, айниқса, ранг-баранг чиқишига ҳаракат қилдик. Бунда колхоз партия ташкилотининг секретаря Х. Далиев «Бутун куч ғўза парваришига», мухбир С. Алиев «Кўчат бир текис бўлсин», Мадиёров «Илғорлик учун» мақолалари билан қатнашдилар.

Биз илғорларнинг тажрибасини, чорвачилик, пиллачиликка оид мақолаларни ҳам бериб борамиз.

Бу йил Янгийўлдаги «Ленинград» колхози аъзолари 760 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кескин даражада юксалтириш учун курашмоқдалар. Бу курашнинг муваффақият билан якунланишига «Пахтакор» деворий газетаси муносиб ҳисса қўшади, албатта.

Т. ИМОМОВ,
«Пахтакор» деворий газетасининг редактори.

ИЛҒОРЛАР КПСС САФИГА

Янгийўлдаги Энгельс номли колхоз партия ташкилоти коммунистларининг сафи илғорлар ҳисобига ўсиб бормоқда. Механизаторлардан Т. Накиббеков, У. Дониёровлар шулар жумласидандир. Бу жонкуяр механизаторлар раҳбарлик қилаётган звеноларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Умуман шу йилнинг ўзида колхоз бўйича ўндан ортиқ киши КПСС сафига қабул қилинди.

И. ТЎЙЧИЕВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

ИНСОН ВА АХЛОҚ

Кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш идеология фронтининг марказий вазифасидир. Шунга кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти коммунистик ахлоқ масалаларига бағишланган оммавий брошюралар серияси босиб чиқара бошлади. Уларда коммунистик қурилиш вазифалари, янги замон кишисининг ахлоқи ва турмуши, кишилар ўртасида коммунистик муносабатларни шакллантиришнинг муҳим масалалари ёритилади. Брошюралар кенг китобхонларга, жумладан пропагандистлар учун мўлжалланган. Қуйида «Коммунистик ахлоқ масалалари» туркумидаги дастлабки икки китобча билан ўқувчиларни таништирмоқчимиз.

«КОММУНИСТИК ТУРМУШ УЧУН»

М. Қориевнинг турмуш маданияти, шу билан боғлиқ бўлган кишилар хулқ-атвори, ахлоқий фазилатлари ҳақидаги китобчаси шундай деб аталган.

Жамиятимиз ҳамма аъзоларининг, барча меҳнаткашларнинг турмуши фаровон бўлиши учун зарур ҳамма имкониятларни яратиш — бу социализмнинг олижаноб қонунидир. Шунинг учун ҳам социалистик жамият тараққий қила боргани сари унинг аъзолари тобора яхшироқ турмуш кечира бордилар, улар ўртасидаги муносабатларда эса янгича турмуш ва коммунистик ахлоқ нормалари қарор топа боради.

Брошюрада шу муносабат билан коммунистик турмуш маданиятини ривожлантириш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, коммунистик онглиликни ошириш ҳамда турмушда ўтмиш қарқитларини тугатишнинг айрим масалалари ва бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш ҳақида фикр юритилади.

Кейинги йилларда меҳнаткашларнинг моддий ва маданий даражаси, маданий-маиший хизмат кўрсатиш анча яхшиланди. Масалан, ётти йиллик мобайнида республикамизда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари шохобчалари деярли икки ярим баравар ортди.

Лекин, дейилади китобчада, айрим жойларда турмуш маданиятини ошириш учун моддий имкониятлар тўла ишга солинмаётир. Баъзибир колхоз ва совхозларда шундай бир ғалати фактни учратасиз. Айрим оилалар колхоздан жуда катта даромад оладилар. Лекин ана шу даромадлардан оқилона фойдаланмаслик натижасида уй-рўзғор ишлари учун зарур бўлган, киши ҳаёти учун, болалар тарбияси учун зарур бўлган нарсалар кўпинча оила бюджетига киритилмайди. Колхозчининг уйида жуда кимматга олинган гилам осиб қўйилади, қиз чиқариш, ўғил уйлантириш учун қават-қават кўрпа, ўнлаб чойнак-пиёла, патнис ва бошқа нарсалар ғамлаб қўйилади. Бу нарсалар кейин йиллаб фойдаланмай ётади. Ваҳоланки, деб давом этади автор, ана шу колхозчининг уйида кундалик маданий турмуш учун зарур бўлган уй-рўзғор буюмлари бўлмайди.

Шунингдек брошюрада юксак коммунистик ахлоқ принципларини қарор топтириш, жумладан кишиларда меҳнатга муҳаббат, камтарлик, ростгўйлик, катталарга иззат-ҳурмат каби маънавий фазилатларни тарбиялаш, янгича одат ва анъаналар учун кураш масалалари ҳам муҳим ўрин олган. Автор ўз фикрларини кўпгина ҳаётий факт ва ҳулосалар билан бойитган.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — БАЙРОҒИМИЗ

«Биз — миллий душманликнинг, миллий низонинг, миллий айримликнинг душманимиз. Биз — халқарочилар, интернационалистлармиз».

Қ. Бўроновнинг «Коммунизм қурувчиси — чин интернационалист» брошюрасига Ленининг юқоридаги сўзлари эпиграф қилиб олинган. Ҳақиқатан ҳам интернационализм халқаро пролетариат ҳаракатининг энг муҳим принципидир. К. Маркс ва Ф. Энгельс ана шу ғояни биринчи марта олдинга суриб, унинг сиёсий ифодаси сифатида «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шиорни майдонга ташладилар. Ўшандан бери юз йилдан ортиқроқ вакт ўтди. Эндиликда пролетар интернационализми ҳозирги замонда жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракат ҳамда миллий озодлик ҳаракати бирлигини ўз доирасига олади.

Брошюранинг биринчи боби ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар миллий ва интернационал бурчларининг бирлиги масаласига бағишланади.

Совет Иттифоки кўпмиллатли давлат бўлиб, унда юздан ортиқ миллат ва элатлар ҳамжиҳатлик билан коммунистик жамият қурмоқда. Мамлакатимизда пролетар интернационализми идеологияси ва сиёсати тўла тантана қилди. Унинг самараларини Совет Ўзбекистонида социализм қуриш тажрибасида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу ҳакда иккинчи бўлимда батафсил гапирилади.

Китобчада, шунинг д е к, СССРнинг социалистик мамлакатлар билан интернационал алоқалари ва дўстона ҳамкорлиги, совет халкининг ўз интернационал бурчини бажаришдаги ютуқлари ҳам алоҳида бўлимларда батафсил ёритилган.

Совет кишилари, дейилади китобча хулосасида, социалистик Ватанимизни мустаҳкамлаб, унинг коммунизм йўлидан тез юксалиб бориши тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан айни замонда ўзларининг интернационал бурчларини ҳам шараф билан бажарадилар.

И. СУЛТОНОВ.

ҒЎРА ЛОЙИҲА

Бинокорлар ишга тушишганида ҳаммаёқ оппоқ кор билан қопланган эди. Ариқлардаги сувлар музлаган, ер ҳам тарашадек қотган. Экскаватор ковши зўрга котлованга ботади. Моторларни ҳаракатга келтириш қийин. Изгирини айтмайсизми. Юз-кўзни очиргани қўймайди.

Йигитлар шундай шароитда қурилиш ишларини жадал суръатлар билан бошлаб юборишди. Лой кечиб котлован ва траншеялар казишди, Колонна ва фермаларни монтаж қилишга киришишди. Дастлабки кунлар ҳеч ким тинним билмади. Заказчилар ҳам хурсанд эди бинокорлар ишидан. Лекин...

«Узгипросельстрой» лойиҳалаш институти шу топда иш суръатининг белига тепди. Келаётган лойиҳа-смета ҳужжатлари тўхтаб қолди. Нима қилиш керак? Лойиҳасиз қурилишни давом эттираверишга бинокорларнинг ҳакки йўқ. Улар қўлида хисоб-китоби чиқарилган, пухта чизилган ишчи чертёжлари бўлиши керак. Шунга қараб корпуслар карнизи чиқарилади, томи ёпилади ва бошқа ишлар бажарилади.

Институтга кетма-кет шошилинч хатлар йўлланди. Бинокорлардан бир вакил ҳам бориб келди. Ниҳоят неча азобдан сўнг навбатдаги лойиҳа-смета ҳужжатлари қурувчилар қўлига тегди. Монтажчи ва ғишт терувчилар диккат билан уни ўрганиб чиқишди. Лойиҳанинг яна ишкали чиқди. Прогрессив методлар эсдан чиққанга ўхшайди. Даққиюнусдан қолган лойиҳалардан бир андазасини бериб юборишибди. Лойиҳада кўрсатилган вентиляция йўли хозир паррандачилик корхоналари учун яроксиз деб топилган. Шунинг учун ҳам Тошкент паррандачилик фабрикаси қурилишида вентиляция корпус юқорисидан эмас, балки пастидан монтаж қилинган.

— Товук ғўнгида аммиак моддаси бўлади, — дейди «Узбекшахтострой» трести 4-қурилиш бошқармаси прораби В. Сафонов. — У ҳаводан бироз оғирроқдир. Шамол товук катагининг пастки қисмидан берилмаса юқоридаги вентилятор шамоли аммиак моддасини кўтариб чиқиб кетолмайди. Биз юборилган лойиҳа бўйича вентиляторни эскича усулда ўрнатишимиз мумкин эди. Лекин барибир уни кейинроқ ўзгартиришга ўзимиз мажбур бўламиз. Бир ишни икки иш қилишнинг нима кераги бор. Бу қўшимча маблағ, қўшимча иш кучи деган гапку, ахир.

Лойиҳага тузатишлар киритиш учун яна институтга қайтариб юборилди. Институт ходимлари овора бўлиб лойиҳанинг янги вариантини ишлаб чиқишга киришдилар. Вакт ўтаяпти. Лойиҳасиз



бинокорлар бўш ўтиришибди. Ниҳоят анча кечикиб бўлса ҳам лойиҳанинг қайта ишланган варианти тайёр бўлди. Яна чаласи бор. Лойиҳачилар фойдаланувчиларга товук катакларини тозалаш процессини қўл билан бажаришни тавсия этишибди. Бинокорларнинг ҳам, заказчиларнинг ҳам хунаби ошди.

— Ҳаёт тақозаси билан туғилаётган янгиликлар институтга жуда ҳам кеч етиб келадиганга ўхшайди, — дейди прораб. — Яқинда биз Тошкент паррандачилик фабрикасида бўлганимизда товук катакларини тозалаш ишларининг механизациялашганини кўрдик. Ҳеч қандай оворагарчиликсиз 40 минутда ҳаммаёқ сариқта бўлаяпти. Биз қураётган фабрика лойиҳасида ҳам шундай механизмлар учун жой ажратилган бўлиши керак.

Янги кад кўтараётган ўртасарой паррандачилик фабрикасининг қуввати катта бўлади. Бу ерда юз мингта товук боқилади ва шунча жўжа ўстирилади. Давлатга ҳар йили 20 миллион дона тухум, 700 тонна парранда гўшти етказиб берилади. Шундай катта даргоҳдаги ишларни кўл кучи билан бажариш ўнгай дейсизми. Бинокорлар эътирози тўғри. Лойиҳачилар улар фикрини ҳисобга олмоклари керак.

Лойиҳадаги чалкашликлар қурилиш суръатини сусайтириб, бинокорлар қўлини ушлади. Оқибат натижа шу бўлдики, фабрика қурилишида тўрт ойлик план 43 процентда қолиб кетди. Белгиланган 557 минг сўм ўрнига 242 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, холос.

«Узгипросельстрой» лойиҳачилари ишни хали ҳам ёлчитганлари йўқ. Асосий участкалар бўйича лойиҳалар тайёр бўлсада, лекин айрим майда-чўйда операциялар учун ҳеч қандай кўрсатма берилмаган.

Қурилишдаги хира томонлар биргина шу эмас. Бинокорлар транспорт хизматидан ҳам нолиб гапиришади. Ўрток Вишнев раҳбарлик қилаётган Оҳангарондаги 13-автобаза қурувчилар талабини кондирмаяпти. Юборилаётган машиналарнинг кўпчилиги ишга яроксиз. Бортида қурилиш материали билан йўлларда бузилиб колади. Натижада ишда тез-тез узилишлар содир бўлаяпти. Ўртоқ Вишневнинг ўзи бинокорлар ҳузурига камдан-кам келади. Уларнинг талаб ва таклифлари юзасидан тегишли чоралар кўрмайди.

Ҳозир қурилишда еттита ташкилот иштирок этаяпти. Бош пудратчи «Узбекшахтострой» трестининг 4-бошкармасидан ташқари 6 та ёрдамчи пудратчилар ҳам фабрикани бунёд этишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Лекин орада айрим пудратчиларнинг аррани баравар тортмаётганликлари ҳамкасбларни ранжитаяпти. «Узсантехгазмонтаж» трестининг Авангард посёлкасидаги механизациялашган колоннаси раҳбарлари қурилишни техника билан тўлатўкис таъминламаётирлар. Бульдозерсиз, кўтарма крансиз, экскаваторсиз қурилишда суръатнинг ўсиши амри-маҳол.

Бинокорлар шу йил октябрь ойига бориб фабриканинг биринчи навбатини фойдаланишга топширишга сўз берганлар. Фабрика йил охиригача давлатга 1 миллион дона тухум етказиб бериши керак. Бинокорлар бундан буён суръатни тезлатишлари, бир ёқадан бош чиқариб фабрика қурилишини тезроқ тугаллашлари зарур.

Ж. НОСИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Ўрта Чирчиқ.

МЕҲНАТ—РОҲАТ

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Усмон ота Исмоиловнинг ёшлиги бойлар остонасида хўрлик ва жаҳолатда ўтган. Жуда ёшлигиданоқ қўли ишга теккан бўлса ҳам қорни тўйиб овқат емас эди. Советлар давридагина ҳалол меҳнатидан рўшнолик кўрди.

Ота Калинин районидаги «Узбекистон 40 йиллиги» колхозида узоқ йиллар ишлади. Хўжалин экономикасини юксалтириш, деҳқончилик маданиятини яхшилаш учун кўплар қатори пешона терини аямай тўкди.

Мана, энди Усмон ота иззат-ҳурматда. Калинин район социал таъминот бўлими колхозчиларга пенсия бериш ҳақидаги янги Қонунга асосан Усмон ота Исмоиловга ҳам пенсия дафтарчаси тақдим этди. Ҳозир шу колхознинг аъзолари Абдулла Жамолов, Мирзакарим Мирҳожиев сингари кўплаб кекса колхозчилар давлатдан пенсия олмоқдалар.

Пенсионерлар ишлаб қўйганмиз, энди бемалол дам олишга ҳақлимиз, деб қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Улар керак пайтида хўжаликка қўлларидан келганича ёрдам кўрсатмоқдалар.

Қишлоқ мухбири Д. Жалилов редакцияга ёзган хатида шулар ҳақида ҳикоя қилган. Редакция ўз мухбирлари ва газетхонлардан худди шундай мазмунда кўплаб хат-хабарлар олиб турибди.

«Юқори Чирчиқ район социал таъминот бўлими, — деб ёзади мухбир М. Исмоилов, — қисқа вақт ичида бир ярим мингдан ортиқ отахон ва онахонларнинг ҳужжатларини расмийлаштириб, пенсияга узатди. Улар орасида «Политотдел» колхозининг кекса деҳқонлари Ким Александра, Ким Мен-хи, «Правда» колхозининг аъзоси Ким Вера ва бошқалар бор. Партия ва ҳукуматимизнинг халқ турмушини фаровонлаштириш йўлидаги оталарча ғамхўрликларига жавобан район қишлоқларининг кекса деҳқонлари чексиз миннатдорчилик изҳор этмоқдалар. Пенсияга чиқариш давом этмоқда».

Янгийўллик У. Шаропов қуйидагиларни маълум қилган:

«Райондаги «Узбекистон 30 йиллиги» колхозининг 300 дан ортиқ кекса аъзоси, — деб ёзади у, — кўп йиллардан бери шу хўжаликда яхши ишлаб келганликлари учун доимий давлат пенсияси билан таъминланди. А. Хушбоев, М. Аҳмедов, У. Тўлаганов, Ж. Усмонов ва бошқалар энди қарилик гаштини сурмоқдалар».

Шу райондан ёзиб юборган Ш. Ражабов ўз хатидан «Шарқ юлдузи» колхозининг 80 аъзоси СССР Олий Советининг янги Қонуни асосида пенсия ола бошлаганини маълум қилади.

Ўртачирчиқлик Ш. Ҳолмуҳамедов юборган хатда қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин:

«Район социал таъминот бўлими дастлабки 1030 колхозчига пенсия тайин қилди. Меҳнатсевар пенсионерлар ишга ўрганиб қолишган экан, қараб туришаётгани йўқ. Долзарб пайтларда дала ишларини бажаришда колхозчиларга кўмаклашиб туришибди».

Меҳнат—роҳат дейдилар. Бизда, Советлар элида ҳалол меҳнат қилган кишилар ҳарвақт ўз қадрини топади, партия ва ҳукуматимиз бундай кишиларни ҳамиша эъзозлайди. Бизда меҳнат қилган роҳатини кўради.

Адабиёт саҳифаси

ИШҚ ГУЛЛАРИ

Ёлқин сочиб боғингда кулган
Эй, дилбарим, ёнғинғмикан,
Булбулларни нолага солган
Сенинг гулгун
дудоғингмикан?
Чаман-чаман бодом гуллари
Бўйнингдаги маржонингми, ё
Шода-шода тол кокиллари
Кирпикларинг,
Мужгонингми ё?
Кўлда чақнаб боққан
у бедор
Юлдузингми?
Чақноқ кўзингми?
Йўқ, азизим, нақшин
гулбаҳор
Олар мудом сенинг
ўзингдан.

* * *

Биз бахш этдик чўлга
ҳарорат,
Баҳор унга берар нафосат.
Қайга юриш бошласа ёшлик
Унда кулар баҳор, саодат.

* * *

Сен юборган турфа гулларни
Ҳидладиму, маст бўлиб
қолдим.
Кўкрагимга босиб уларни
Янги ерга аста йўл олдим.

* * *

Гуллар билан безанди ниҳол,
Унга қувнаб боқасан хушҳол.
Ишқинг чечак отар қалбимда
Эй, жонгинам,
Шу ниҳол мисол!

Ашурали АҲМЕДОВ.

ТУРТЛИКЛАР

Доно билан сўзлашсанг,
Сўз бойлигинг ортади.
Нодон билан нон есанг,
Тубанликка тортади.

* * *

Ўз қадрингни ўзинг белгила,
Ишингга тан берсин ўзгалар,
Қуруқ сўзга куч берар бўлсанг,
Элни иззат нафси қўзғалар.

* * *

Сени билмоқ бўлган сўзинга
боқар,
Сўзингдан топмаса, кўзингга
боқар.
Ўзингни ўзингдан сўрамас ҳеч
вақт,
Бўзчисан, тўқиган бўзингга
боқар.

Толиб ИЎЛДОШ.

Шаҳримизда нима кўп — бири-биридан гўзал оромгоҳлар кўп. Кун бўйи меҳнат қилиб дам олишга чиққан ишчи ва хизматчилар, ҳозиргина имтиҳон топшириб бўлган студент йигит-қизлар оқшомлари нурга чўмган хиёбонларда яйраб сайр этадилар. Гагарин номидаги маданият ва истироҳат боғи шаҳримизнинг энг гўзал оромгоҳларидан биридир. Суратда: паркда сайл.

А. Абалян фотоси.

ОЙДИН КЕЧАЛАР

Чарақлаган ойдин кечада
Ором олар зумрад ғўзалар.
Татиб меҳнат нашъасин
йигит
Эгатларга зилол сув тарар.
Эгатлардан ўтиб боради
Ҳар ниҳолга бериб меҳрини.
Ардоқлаган меҳрибонига
Бўлиқ ғўза очар сеҳрини.
Шоналарин ўйнаб шабада,
Дарак берар чаман
ҳосилдан
Ушалгандек эзгу орзуси
Сувчи йигит қувонар дилдан.
Чироқ ёнар қирда,
шийпонда,
Севган қизга кетар ҳаёли.
Кузда хирмон кўкка етганда
Бирга бўлар соҳибжамоли.
Тўй бўлади қирдаги уйда,
Ихтиёрин айтган қиз унга.
Мард йигитга юз очиб толе,
Етар ўша юзи гулгунга.

Зиёд КОМИЛОВ.

ТОНГ ЛАВҲАСИ

Борлиқ мудрар тонг оғушида,
Уфқ товланар камалак нурда.
Чўққиларни ўпганча Қуёш,
Боғламоқчи бошига дурра.
Ғунчаларнинг лабида ибо,
Япроқларда томчи-томчи нам.
Эй ўлкамнинг дилдор тонглари,
Бор гўзаллик сизда мужассам!
Шайдо бўлиб боқаман-у мен
Мунча гўзал дейман ўзимга...
Мунча гўзал кўзинг дейди тонг
Ўз аксини кўриб кўзимда.

Темур УБАИДУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИДА

Тошкент денгизида қалқиб қайиғимиз соз сузар,
Сув қўйнида спортчилар эшкак тортиб тез сузар,
Бизлар билан баслашгандай қанча балиқ, гоз сузар,
Кирпоқ бўйлаб, гуллар ҳидлаб бир жуфт шахло кўз сузар.
Тўлқинларни ёриб олга қайиғимиз соз сузар.
Сув юзида қайиғимиз беланчакдай тебранар,
Мовий тўлқин оғушида ғўдакдек эркаланар.
Самодан тушиб офтоб ёғду сочиб жилваланар
Қанча сузсанг шунча яна кўнгил ғўё оз сузар
Тўлқин узра қалқиб-қалқиб қайиғимиз соз сузар.
Чағалайлар доврўқ солиб кўтарилар осмонга,
Шўх шаббода сочим тараб ором беради танга,
Дилдан меҳрим жўшиб кетди эл-юртимга шу онда
Тўлқин отган шўх денгизда дўстлар қишу-ёз сузар,
Тўлқинларга тўшин уриб қайиғимиз соз сузар.

Барот ИСРОИЛОВ.

УНУТМА

(Бир қолоқ звено бошлиғига онасининг айтганлари)

Жоним болам эшит менинг
сўзимни,
Эл ичида сарғайтирма юзимни.
Қизғин палла ўзинг четга олмагин,
Юрагимга қайғу ўтин солмагин.
Илғорлар далада урмоқда жавлон,
Қўшнинг Халил, машҳур Содиқ
паҳлавон,
Сен бўлсанг тушгача ухлайсан
ётиб,
Иш ўрнига қуруқ ваъда, гап сотиб.
Бу аҳволда қоласан-ку армонда,
План тўлмай, бўласан-ку
шарманда.
Мажлисдаги катта ваъданг унутма,
Ғайрат қилмай мўл ҳосилга кўз
тутма.
Наъра тортиб қирқ центнерга қўл
қўйдинг,
«Палончи шоввоз» деб номингни
йўйдинг.
Энди бўлса чиқардинг ҳийла-
қилиқ.
Елғон касал, справканг сип-силлиқ.
Ана қара ғўзаларинг ҳолига,
Қулоқ солмас ҳеч ким унинг
додига.
Экинларни ўраб опти чирмовиқ,
Ниҳоллар авжи паст, ташна оч-
ориқ.
Бошқалардан сен ҳам ўрнак
олсангчи.
Бор кучингни тезда ишга
солсангчи.
Мўл ҳосил деб дадил юргин
илгари,
Жавод, Тюпко, Турсунойлар
сингари.

Акмал ПУЛАТ.

ҚУВОНЧ

Рўзи ҚОДИРИЯ

Тошкентим,
Ғўзалсан, гўзалсан бунча?
Кўчалар,
Дарахтлар,
Фонтанларинг соз.
Дам боқсам гулдайсан,
Дам боқсам ғунча,
Ҳамон тополмайман сенга бир
қиёс.

Оқшоминг,
Кундузинг,
Тонгларингга ҳам,
Қишу-ёзингга ҳам шайдоман азал.

Шу сабаб бахтиёр бўлардим ҳар
дам,
Ёзолсам шаънингга муносиб ғазал.
Чилонзор,
Оқтепа янги бир олам,
Қорасув бўйлари ҳуснда тенгсиз.
Ишчи шаҳарчаси бундан ҳам
кўркам,

Дўстларим,
Юраги бунчалар кенгсиз.
Ранг-баранг гул экар,
Гул терар мудом,
Ғамдан, дард-ҳасратдан наридир
бари.

Баҳорий қўйнингда ҳамма
шод-ҳандон,
Интилар абадий гўзаллик сари.
Севимли дўст бўлдим
фарзандларингга,
Ҳар норғул чеҳрада кўрдим
нур-офтоб.
Қўшигим жўр бўлди
хурсандлигингга,
Чалганим рубобдир,
Уйғурча рубоб.
Мана бир жигаринг тутиб
гулдаста
Деди: «Бу ўзбекнинг қалб
нишонаси.
Бунда халқимизнинг меҳри
пайваста,
Дўстлик, қардошликнинг илк
ифодаси!»

Уйғурчадан Маъруф ЖАЛИЛ таржимаси.

ҚОҒОЗ

Қоғоз! Қўл титради шеър
ёзганимда,
Қаламим таннинги
ўймадимикин?
Беғубор, покиза қумуш
юзингни,
Бекорга қоралаб
қўймадиммикин?..

В. РАҲМОНОВ.

ЯНА БИР ХАЛҚ ТЕАТРИ

Областимиздаги халқ театрлари сафига яна бир ижодий коллектив қўшилди. Қўйлиқ маданият уйининг драма тўгараги санъаткорлари яқинда ана шундай шарафли номни олдилар.

Ёш санъаткорлар бир неча асарларни саҳналаштириб, яхшигина тажриба орттиришган. Қишлоқнинг ҳаваскор артистлари ўз ижодий фаолиятини кичик-кичик интермедиялар, шунингдек, Х. Х. Ниёзийнинг «Заҳарли ҳаёт» драмасини саҳналаштиришдан бошлаган эдилар. Яқинда Ҳамза Умаровнинг «Ҳаёт йўли» асари томошабинларга тақдим этилди. Қишлоқнинг санъат шинавандалари ёш артистларнинг маҳоратидан мамнун бўлдилар.

Асосий ролларда шу райондаги 18-боғча мураббияси Муҳаббат Ҳўжамбердиева, 86-мактаб ўқитувчиси Басира Исмаилова, 89-мактаб ўқувчиси З. Тўраев, «Партия XXI съезди» колхозининг трактористи Т. Мўминовлар ўйнайдилар. Асарни режиссёр Ўткир Обидов саҳналаштирган.

Ҳозир ижодий коллектив Ҳамид Ғуломнинг «Тошболта ошиқ» музикали драмасини саҳналаштириш ниятида.

Область халқ театри деган шарафли номга сазовор бўлган ёш истеъдод эгалари бундан кейин ҳам томошабинларни хушнуд этаверадилар.

Э. НУРМУҲАМЕДОВ.

ЯНГИ ҚАДАМ

Талантли ёш шоир Охунжон Ҳакимов ўзининг «Илҳом водиси» тўплами биланоқ шеър ихлосмандларининг ҳурматига сазовор бўлган эди. Унинг иккинчи китоби ҳам шоир истеъдодининг ўсаётганлигини кўрсатди.

Яқинда «Тошкент» нашриётида Охунжоннинг «Хуморингман»* номли янги тўплами босилиб чиқди. Бундаги энг яхши шеърлар меҳнаткаш, изланувчан шоир ижодининг янги, баракали маҳсулидир.

Тўпламдаги шеърлар самимияти, илиқ нафаси, лирик ҳарорати билан ўқувчи юрагини тўлқинлантиради. Охунжон ўз тенгдошлари ичида воқеабанд шеърлар яратишга моҳирлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қувноқ юмор, шеърнинг қон-қонига сингдириб юборилган ўринли ҳазил-мутойиба ҳам унинг шеърларининг жонли ва ўқимишли чиқишига сабабчи бўлган. Бу жиҳатдан «Йўлда», «На юлдузсан», «Дили сезар», «Тўйда», «Қатиқхўр» каби шеърлар айниқса, мақташга лойиқдир. Шоир «Йўлда» шеърида қуйиб-пишиб меҳнат қилаётган шофер қиёфасини, унинг ички дунёсини кичик бир деталь орқали шеърхон кўз ўнгида жозибали бир тарзда гавдалантириб беради. «Дили сезар» шеърини ўқиганда эса, киши шахсан ўзи таниб диган тикувчи қизларни кўргандай ва шулардан бирига ошиқи-шайдо бўлиб ўртаниб юрган механик йигит туйғуларини ўз бошидан кечиргандай бўлади. Бу шоир тасвирининг қанчалик самимий, қанчалик табиий эканлигидан далолат беради.

Охунжон Ҳакимовнинг «Одамлар», «Арк қошида», «Шунчамиди» сингари шеърларини ҳам гўзал ёзилган деб баҳолаш керак.

Охунжон Фарғонада туғилиб ўсган. илк шеърларига шу ерда илҳом олиб ижод давонларидан секин-аста ошиб бормоқда. Унинг Фарғона ҳақида тўлқинланиб, ёниб куйлаши табиий. Янги тўпламдаги шу мавзудаги шеърлар, жўшқин мисралар эса шоирнинг аввалги тўпламдаги шеърларининг узвий давоми бўлиб, уларни бойитган, натижада Фарғона ҳақида яхлит бир туркум вужудга келган. Аммо «Фарғона таронаси» мадҳияси (автор негадир уни баллада деб атаган) унинг бошқа шеърларидай жозибали ёзилмаган. Тўғри, унда:

Кўзида сурмамас, эҳтирос қизлар
Қошлари олдида ўсма беқадр...

каби жонли мисралар ҳам учрайди. Лекин умумий гаплар, рангсиз жумлалар бундай жонли тасвирларни кўмиб юборган, натижада шеър бир оз жўн, ибтидоий бўлиб қолган.

Китобдаги «Составлар, составлар» шеърида ҳам ҳаяжон, эҳтирос кам. Бу шеърни Охунжондек дидли ва талабчан шоир ижодидаги тасодифий бир шеър деб баҳолаш мумкин.

Тўпламда учрайдиган баъзи қайтариқлар ҳам ўқувчини севинтирмайди. Халқимизнинг одоби ва яхши одатини кўрсатадиган таъзим билан мурожаат қилиш ҳадеб таъкидланаверади, шоирнинг ўзи ҳам, қаҳрамонлари ҳам саҳифама-саҳифа «таъзим билан» гапираверади.

Бу каби камчиликлар «Хуморингман» тўпламининг яхши ва ёрқин саҳифаларини хиралаштира олмайди. Охунжон Ҳакимов ижодида бу китобни янги, дадил бир поэтик қадам дейишга тўла асос бор.

Охунжон ўзининг бир шеърида шундай деб хитоб қилади:

Юракмиди бу юрак-минг бор
Синовингга бермаса бардош!

Шоир ижод синовларидан дадил ўтиб, ғайрат билан ишлаб, шеър шинавандаларига яна дилбар ва гўзал асарлар яратиб беришига ишонамиз.

Ю. ШОМАНСУРОВ.

* О. Ҳакимов. «Хуморингман», шеърлар, редактор Сайёр.

МЕҲНАТ БИЛАН

Ҳар кишига бахт-саодат мунтазам меҳнат билан,
Яшнагай қувноқ ҳаёти дам-бадам меҳнат билан.
Ҳарна мушкул осон ўлгай ҳур-шинам меҳнат билан
Ишқ эли етгай муродга муҳтарам меҳнат билан.
Ўйламанг, мақсадга етмоқ, бир ширин ҳолво эмас,
Тотмайин ранжу-машаққат матлаб пайдо эмас,
Дилдаги орзу-умидлар ялқовга ҳеч ошно эмас
Мисли йўқ чўллар аро боғу эрам меҳнат билан.
Ер қаро тупроқ эрур ундан ширин-шарбат унар
Ранг-баранг гуллар билан сермевали неъмат унар.
Бу азиз инсон учун анвойи кўп ҳикмат унар
Ғаллаю кенг пахтазорлар муҳташам меҳнат билан.

Аҳрор МУЗАФФАРОВ,
пенсионер.

ҲИКОЯ

ДУМБУЛ ЁР

Ёзнинг қоқ ўртасига келиб, бир куннинг ичида Шаҳрибону билан Қулмат ота ажрашадиган бўлиб қолишди. Буни эшитган маҳалла-кўй ҳайратдан ёқа ушлади. Одатдагича қий-чув бошланди: аёллар эрни, эркаклар хотини ёмонлай бошлашди. Биров Бонуни кўкларга кўтариб, Қулмат отани ерга қозиқ қилиб қоқиб қўйса, бошқа биров отага ҳайкал қўйдирар. Бонуни эса унга қоровул қилиб тайинларди. Лекин жанжалнинг туб сабабини ҳеч ким билмасди.

Аслида чол-кампир орасига совуқчилик солиб, уларни ҳатто ажралишгача судраб келган нарса... футбол. Ажабланманг, қайтариб айтамиз: футбол.

Қулмат ота билан Шаҳрибону қарийб ярим асрдан бери гулдай турмуш қилиб келишади. Ота амаллаб етмишни уриб қўйди. Бону ҳам олтмишдан ошиб кетди. Шунча вақт бадалига бир-бирининг юзига тик қарашмаган. Кампир мулойимликда ипакдан ўтса, чол мўминликда қўйдан андоза олган. Бугунгача уларнинг ҳаёти чуқур дарёдай тинчгина оқиб кета ётувди. Жанжал чин арафа куни бошланди.

Ёлғон арафа куниям чол одатдагича чойхонага, ўзидек пенсионер қарияларнинг гурунгига жўнади. Чол чиқиб кетди-ю, бир чой қайнови ўтар-ўтмас шошилганича қайтиб кирди. Кирди-ю салом йўқ, алик йўқ йигиштирина бошлади. Узун лас чакмонини кийди, мошранг духоба дўпписини бошига қия қўндирди. Қўлига кимдир, қачонлардир берган нақшдор қассасини ушлаб, физкультурачи студентдай шаҳдам одимлар билан чиқа жўнади.

Кампир эллик йиллик умр йўлдошини ғўё биринчи марта кўраётгандай тили калимага келмай, анграйганича қолаверди. Фақат дарвозанинг кичик эшиги шарақлаб ёпилгандагина ўзига келди.

— Тавба, — деди ёқасига туфлаб,— нақ Ҳизир кўргандай югуради-я...

Чол намозшомда кириб келди уйга. Оғзи қулоғида. Худди лотереяга машина ютган кишидай, сунъий тишларини ярқиратар, худа-бехуда мийиғида кулади. Кампир, елкасидан нафас олиб, пишиллаб турган рух самоварни зиғиллатиб олиб келди. Чой дамлаб чойнакка қайтараркан, сўради:

— Дадаси, ҳалиги... Ҳизирга етабилдингизми?

Чол ҳайратдан елкасини қисди.

— Қайси Ҳизирга?

— Унақа деманг, дадаси, гуноҳ бўлади-я...

— Ҳеч қанақа хизир-мизирингни кўрганим йўқ. Бугун дубил ёр борийди, шунга бориб келдим, холос.

— Думбул ёр дедингизми? Мен бўлсам сизни...

Кампир чой қуяркан ўзича ўйлади: «Бу думбул ёри ким бўлди-а? Тавба, ҳечам эшитмаган эканман-да. Қаранг-а. Ишқилиб ҳали ўйладимов, қориликка ўтадиган муллаваччага ҳшаб қаққа шошилянти бу деб. Думбул ёрга бориб кепти-да».

Кампир ҳаёл аралаш чой тўла пиёлани самоварга узатди Чол унинг бирдан паришон бўлиб қолганини сезиб, бироз юмшади.

— Онаси, ҳалиям ёш болага ўхшайсан-да. Самовар ичмаса буёққа берақол чойни.

Кампир зўрма-зўраки илжай ди. Пиёла қиррасини кафти билан артиб узатди. Айтайми, айтмайми дегандай, бир-икки марта оғиз жуфтлади-ю, «тағин кўнглига оғир олмасин» деган андишада жим қолақолди. Буни зимдан пайқаб ўтирган чол:

— Онаси бир нима дегандай бўлдингми? — деди атайлаб.

— Ҳа... Йўқ... шундай, ўзим... — дудуқланиб иккиланди Бону.

— Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт!— деди чол. гарчанд ўзи «бирор таъна эшитадиганга ўхшайман. Гапирмаёқ қўйсайди» деган ҳаёлда бўлса-да.

Лекин ғишт қолипдан кўчган эди.

— Ҳалиги думбул ёрга ўзингиз ёлғиз бордингизми? — ийманиб, ғўё самовардан сўраётгандай, бир четга қараб деди Бону.

— Йўқ, Тошканнинг ярми борди менга қўшилиб.

— Ҳой, дадаси, мен сизга нима қилдим, мунча зардангиз қайнамаса. Тўғри калтакка эгри тўқмоқми?

— Ким эгри тўқмоқ? Менми?

— Ҳали мен «Сиз эгри тўқмоқ» деганим йўқ-ку, дадаси,— ҳадиксираброқ жавоб берди Шаҳрибону.

— Айтмаган бўлсанг энди айт!. Айт, нимага қараб турибсан? — Қўлидаги бўш пиёлани дастурхонга юмалатиб юборди у.

— Нега бўлмаса ўзингиз ҳадеб «Думбул ёр, думбул ёр» деб одамнинг ғашини келтираверасиз,

Кампирнинг қариларга хос, лекин чол наздида ноўрин рашки отага ошдан кейин ичиладиган кўкчойдай ёқиб тушди. Буни сезган кампир дадилланди.

— Ким айтади сизни эвараче варалик деб. Қариб қуюлмадингиз қуюлмадингиз. Соқолингиз оқарди, тишингиз сарғайди. Тоат-ибодат қилиб, нариги дунёингизни сўраш ўрнига кунда-кунора «думбул ёр» деб ҳассангизни дўқиллатиб қоласиз. Эрта туриб индин-ҳайит. Бегим кунларингиз майли, ҳеч куриса қурбонлик кунлари ҳовлида мундоқ келган-кетганга қараб ўтирсангиз бўлмайдими? Эшитган қулоққа уят эмасми?

Чолнинг парвойи палак, тепасида осилиб ётган узумларга қараб жимгина чой хўпларди. У ғўё шу ётишда чойга қўшиб, кампирнинг дашномлариниям ютиб юборяётгандай эди.

Тонг отиб, чин арафа кирди. Кампир саҳарданоқ ҳовлида йўргалаб қолди. Гулзорга сув сепди, товуқларга дон. Бор-йўқни чиннидай қилиб тозалади, самоварга ўт ташлади. Сўнг «дадасини уйготай, бозор-ўчар қилиб берсин. Чин арафа куни одам кўп бўлади» деб сўрига яқинлашди. Бироқ сўрида бўш тўшакни кўриб, ранги қув ўчди. Ҳаёлига ярқ этиб, «думбул ёр» келди. «Мана келсин, — пичирлади ўзича тутоқиб.—битталаб тўкиб соламан. Нима, келиб-келиб энди ақмоғи бўлдимми мен унинг? Шундоқ шундоқ дейман, рўзғор қилишни истасангиз бахай дейман, бўлмаса дейман...»

Бону нарёгини айтолмади. Эшик шарт очилиб қўлида газета билан чол кириб келди. Оёғи йўлда-ю, кўзи газетада эди. Ўзича қувониб, эртаги ўйин ҳақида гапирарди.

Кампир ўзини ҳарчанд зўрласа-да, айтолмади. Кўз-кўзга тушганда меҳр уйғонади, дейишади. Балки ростдир. Ҳарқалай, Бону ўзини тийди. Бироқ, гап айланиб яна ўйинга келганда, чидамади:

— Думбулингизга борсангиз ўзингиз бораверинг. Менинг кўзим учиб тургани йўқ кўргани! — деди асабий.

— Вей қолоқ кампир, нима бўлди сенга? Одамни тинч кўясанми йўқми? Думбул ёр одам эмас, ўйин. мана бунақа қилиб тўп тепишади, билдингми, — чол қўлида ёзиғлиқ газетадаги суратларни кўрсатиб давом этди, — бугун-эрта бормасам бўлмайди. Кейин ихтиёринг, тушундингми энди?

— Вой, ўлмасам, биров эшитмасин. Нақ кулгининг остида қоласиз-а, дадаси, — кўрсатгич бармоғини юзига босиб деди кампир, — ахир, мундоқ бир ўйлаб кўринг. Шу ёшингизда ҳали расида бўлмаган болаларга қўшилиб тўп юмалатганингиз нимаси?..

— Ҳе, тўхта...

— Уят-е..

— Тўхта дейман, сенга!..

— Тўхтамайман! Ўзингиз сабр...

— Вўй кампир, бердисини айтмай уриб ўлдирмоқчимисан? Тўпни мен тепмайман. Биз томоша қиламиз анчайин.

— Барибир...

— ...Барибир тушунмаяпсан. Одамингки, хоҳ у ёш бўлсин, хоҳ қари, мана бу ерида, — чол мушти билан кўкрагига уриб кўрсатди, — ўти бўлиши керак, ўти! Дарди йўқ — кесак. ишқи йўқ — эшак, деган бурунгилар. Менингки ишқим шу тўп ўйинига тушиб қолган экан, сен қаршимисан-а, қаршимисан?..

Шундай деб, чол аста эшикка юзланди.

Бону, азбаройи аччиғи чиққанидан, умрида ҳаёлига келмаган гапни айтиворди.

— Кетсангиз... кетсангиз қайтиб келмай қўя қолинг!

Чол бу аснода эшикдан чиқаётган эди. Қулоғи шанғиллаб кетди. Чўрт орқасига ўгирилди.

— А, нима дединг?! — сўради ўзига-ўзи ишонмай. Кампирнинг ранги бошидаги оқ дока рўмолидан фарқ қилмас эди. Чол зарда билан чиқиб кетди.

Кампир ўйланиб қолди. «Кетидан бормасам бўлмас. Чакки дедим. Ўзимдан ўтди».

Бону апил-тапил кийинди. Эшикни қулфлаб калитни рўмолининг учига тугди-да, шипиллаб йўлга тушди.

Остановкага келса, чол энди трамвайга чиқаётган экан. Лап этиб орқадаги вагонга кириб олди. Чол тушса тушди, чиқса чиқди, ишқилиб қорама-қора бораверди.

Бир замон чол довдираб тушди-ю, ён-верига алангланди. Кампир довдираб қолди. Кетаётган ерида шартта тескари бурилди-ю, шошганидан закускахонага кириб кетди.

Қайтиб чиқса-чоли йўқ. Оёғини қўлига олиб югурди. Ниҳоят, оломон ичида ҳассасидан таниди. Чол, ҳассага суянишдан ор қилгандай, уни ўнг қўлида ўйнаб катта йўлни кесиб ўтарди. Кампирнинг бир кўзи машиналарда-ю, бир кўзи чолида.

Ниҳоят, чол айланиб-айланиб тўрт томони очиқ кичкинагина бир боғчага келиб тўхтади. Кампир сал нарироқда пойлаб турибди. Қирқ-эллик чамаси одам вижирлашиб алламбалони тортишарди. «Битта яримтаси машина остига тушиб кетганмикин-а?» деб қўйди кампир ичида.

Тўдага чол келиб қўшилди-ю, мис қозондай шақирлаб турган оломон тинчиди-қўйди. Ҳамма бараварига чолга йўл берди. «Келинг-келинг отахон, ўрнингиз жа асқатиб турувди-да» дея чуғурлашди ёш-яланглар.

Кампир киприк қоқмай кузатиб турибди. Ана, чоли «бисмилло» деб ўртага кириб олди. Даврa кенгайиб, ҳамма унинг оғзига тикилиб қолди. Чол, гоҳ ҳассаси билан ерга товуқ изидай минг хил чизиқ тортиб, гоҳ бармоғини бигиз қилиб гапирарди. Пастаккина, бўла бир йигит, найнов, тақирбош киши билан айтишиб қолди. Роса айтишди. Ахири чол турганларга кўз қисиб, икки баҳсчига яқинлашдида. панжаларини букиб-очиб сўзлади. Кейин турганлар гурр қулворишди-ю, ҳалиги найнов сал қизаринди ва йигитнинг қўлини қисиб қўйди.

Кампир эса ҳеч нарсага тушунолмай доғда эди. Фақат миясида битта фикр парвонадек ғўнғиллайди: «Думбул ёри шуякан-да. Шунча одамни оғзига қаратиб ўтирибди-ю, яна мен ўлгир алжиб юрибман...»

Кампир чолининг билимдонлигидан шамдай эриб, энди уйга қайтмоқчи бўлувдиямки, кўзойнак тақиб бир газлик папка ушлаган йигит сиргиниб чиқди тўдадан:

— Хўп бўлмаса ота, бизга рухсат, эрта учрашамиз, — деди у жилмайиб қўл чўзаркан,— келасиз-а?

Ота бир дақиқа саросимада қолди:

— Майли-ю, лекин... биласизми, болам, ҳалиги... кённойи... э-э, бувингизнинг жиндак тоблари қочувди. Шунга келолмай қолсак, узр-да, айбга қўшмайсизлар...

Буни эшитиб турган Бонунинг кўзлари чарақлаб кетди. «Сизни ранжитган мен ўла-ай» деди-ю, зириллаб йўлга тушди.

Кампир суюнар, ўзидан-ўзи кулар, йўловчилар билан ҳазиллашар, юраги эса ҳадеб ҳаприқарди.

...Чол пешинга яқин кириб келди уйга. У алла-паллагача димоғ-фироғ қилиб ўтирди-ю, лекин кампирининг келинчакдай йўрғалаб, гул-гул ёниб юрганини, эски, жуда эски, қардон илжайишини кўриб, эрталабки заҳрини қулт этиб ютиб юборди.

Ихчам, саранжом-саришта ҳовлида яна меҳр-оқибат офтоби нур сочабошлади.

Бону сўрига елкасидан нафас олиб, пишиллаб турган рух самоварни келтириб қўйди. Тоқдан икки бош сапсариқ ҳусайни узди. Сўнг чолининг сернўҳат ошни яхши кўришини билса-да, атайлаб, меҳрибон оҳангда сўради:

— Дадаси, ошга нўҳат солайми-йўқми:

— Ихтиёринг, онаси, — деди чол ҳам маъноли жилмайиб ва узумни қарсиллатиб чайнайбошлади...

Ҳикоямиз тугади, муҳтарам ўқувчи. Қулмат ота билан Шаҳрибону ҳалиям футбол ҳақида тортишаяптими, йўқми — унисини биголмадик. Лекин эртасига, ҳайит куни уларни Боқи дароз «Пахтакор»да кўрибди. Чол-кампир стадионнинг энг олдинги қаторида газетани бошларига соябон қилиб, писта чақиб ўтиришган эмиш...

Саъдулла СИЁЕВ.

Ёз! Шу кунларда соя-салқин боғлар, хиёбонлар, зилол сув ҳавзалари кишилар билан жуда гавжум. Фотомухбиримиз А. Абалян сиз кўриб турган бу қувноқ болани ҳузур қилиб чўмилаётган вақтида суратга олган.

ҚИБРАЙ ОЛМАСИ

«Қибрай» боғдорчилик ва узумчилик совхозининг коллективи бу йил эл дастурхонига қарийб 6 минг тонна мева ва узум етказиб беришга аҳд қилган. Ҳозир совхозда гилос, олча ва эрта пишар олма ҳосили жадал териб олиниб, шаҳарга жўнатилмоқда. Суратда: хўжаликнинг илғор ишчиси Гатия Муталапова. У ҳосилни тез териб олишда бошқаларга ўрнак кўрсатмоқда.

Р. Шамсутдинов фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ТОШКЕНТ ТЕЛЕЭКРАНИДА — МОСКВА, ПРАГА, ВАРШАВА

Яқинда мухбиримиз Ўзбекистон ССР Алоқа министри Ўртоқ В. Йўлдошевдан алоқачиларнинг меҳнаткашларга намунали хизмат қилиш соҳасида кўраётган тадбирлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди. Ўртоқ В. Йўлдошев қуйидаги янгиликларни маълум қилди.

— Шу кунларда Тошкентда жами 26 минг телефон номери ишлаб турибди. Табиийки, аҳолиси 1 миллиондан ортиқ бўлган азм шаҳар учун бу жуда ҳам кам. Бундан ташқари марказий автоматик телефон станцияси ҳам ҳозирги замон талабидаги асбоб-ускуналар билан тўла қуролланмаган.

Лекин, яқин келажакда автомат телефон станциясида бундай ноқулайликларга ўрин қолмайди. Яқинда шаҳар телефон автомат станцияси учун янги автоматлар олинди. Булар алоқа хизматини тезлаштиради. Шунингдек, коммутаторлик қурилмалари бўлган телефонлар билан бевосита алоқа ўрнатиш имконини беради.

Бундан ташқари Тошкент билан Москвани боғлайдиган шаҳарлараро телефон каналлари шу йил охирига бориб бир неча мартага кўпайтирилади. Натижада тошкентликлар истаган пайтда кўп вақт кутмай москвалик дўстлар билан гаплаша оладилар.

Областдаги телефон тармоқлари ҳам кенгаяди. Бекобод шаҳрида 500 номерли телефон станцияси ишга туширилади. Шу кунларда Пискент марказида ҳам телефон станцияси учун алоҳида бино қуриляпти. Оққўрғон районининг марказида ҳам 500 номерли автоматик телефон станцияси қад кўтаради. Уларнинг ҳаммаси 1966 йил охирига бориб ишга туширилади. Ҳозир химиклар шаҳри Чирчиқда 2 минг номерли телефон станцияси мавжуд. Бу шаҳардаги телефон номерини яна шунча кўпайтириш мўлжалланяпти.

Янгийўл шаҳрида Алоқа уйи қурилаётир. Бу ерда 2 минг номерли телефон автомат станцияси бўлиб, янгийўлликлар мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги ёру-биродарлари билан гаплашиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳозир областимизда 313 та алоқа бўлими ишлаб турибди. Шу йилнинг ўзида яна 34 та алоқа бўлимини ишга туширишни планлаштирилган. Областимизнинг шу дамгача алоқа бўлимлари йўқ жойларида янгидан 18 та алоқа бўлими очилди. Келес массивининг Аччиқкўл, Хонобод, Жамбул, Тоштўғай посёлкаларида. Бекободнинг «Октябрь 40 йиллиги» совхозида, Бўканинг Дўнгқўрғон қишлогида янги алоқа бўлимлари ишга туширилди.

1965—1966 йиллар давомида шаҳримизда қўшимча 30—35 минг телефон номери ўрнатилади. Пойтахт районларида ҳар бири 10 минг номерга мўлжалланган станциялар қуриб битказилади. Мавжуд автомат станциялари ҳам анча кенгаяди. Келгуси йили Чилонзор районида телефонли квартиралар сони 3200 дан 9 минг тага етади.

Алоқачиларимиз телевидение эшиттиришлари радиусини кенгайтириш юзасидан ҳам катта ишлар қилмоқдалар. Яқин ойлар ичида шаҳарликлар Москва телестудиясининг эшиттиришларини, шунингдек Москвадан «Интервидение» орқали Варшава, Прага ва Европанинг бошқа шаҳарлари телевизион эшиттиришларини томоша қиладиган бўладилар. Бекобод, Чирчиқ томошабинлари ҳам Тошкент телестудиясининг орқали ана шу эшиттиришларни кўрадилар. Шундай қилиб Тошкент телевизион маркази халқаро линияга чиқади.

Ҳозир Қарши, Термиз, Хоразм, Нукус шаҳарларидаги меҳнаткашлар Тошкент телевизион студияси эшиттиришларини кўриш имкониятига эга эмаслар. 1966 йилнинг бошларида улар ҳам Тошкентдан бериладиган телевизион эшиттиришларни томоша қилишлари мумкин. Шу кунларда алокачилар кабель ётқизиш ишларини олиб бормоқдалар.

Тошкент радиореле линияси қуриб битказилиш арафасида турибди. Бу радиореле линияси ишга туширилгач Тошкент — Москва ўртасида вақт кутмай гаплашиш мумкин.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Ўйлаб топ** (мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун). 12.40 — **Аёзбобо** (бадиий фильм). 14.00 — **Инглиз тили.**

Ўзбек тилида: 14.15 — **Рустамнинг бахти** (болалар учун телеинсценировка). 14.55 — **Химиядан лекция.** (сиртқи студентлар учун). 18.00 — **Телевизион янгиликлар** (ўзбек ва рус тилларида).

Рус тилида: 18.25 — **Эстрада концерти** (телетомошабинлар талабига мувофиқ).

Ўзбек тилида: 19.25 — **Оталар сўзи-ақлнинг кўзи** («Ёшлик» студияси).

Рус тилида: 20.05 — **Мафтун саёҳатчи** (телеспектакль).

21.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 22.00 — **Анвар Исроилов** («Қўшиқчи шоирлар» циклидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/VI да кундуз **Демон** кечқурун **Дон Жуан**, 15/VI да **Фауст.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/VI да **Гамлет.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/VI да **Гули сиёҳ**, 14/VI да **Тошболта ошиқ**, 15/VI да **Катта концерт.**

Диссертация ёқлайдилар

1965 йил 23 июнь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисоди фанлари бўлимининг экономика бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, кичик конференц-зал) иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Э. Тошбеков: «Тошкент аҳолисининг ўсиши ва шаҳарнинг ривожланишига боғлиқ ҳозирги проблемалар» деган темада.

Х. Хабиқориев: «Ўзбекистон ғўзт саноатининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболи» деган темада.

1965 йил 23 июнь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия-технология ва биология фанлари бўлимининг химия фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 14-уй, химия институтлари кутубхонаси) техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

С. Тўхтахўжаев: «Цементнинг баъзи хоссаларини яхшилаш мақсадида Кувасой цемент комбинати клинкерининг минерал таркибини ўзгартириш» деган темада.

С. В. Терехович: «Витрофирларнинг активлик табиатини ҳамда портланд-цементнинг қотишига ва коррозияланишига уларнинг таъсирини текшириш» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1965 йил 24 июнь кундуз соат 12 да, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг бирлашган илмий совети мажлисида (Киров кўчаси, 22-уй, 16-аудитория) қишлоқ хўжалик фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

А. Маннонова: «Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилига оширилган миқдордаги фосфор ўғитининг таъсири» деган темада.

С. Қўчқоров: «Фарғона областининг ўтлоқ тупроғида ғўза ҳосилига айрим озиқлантириш элементларининг таъсири» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Киров кўчаси, 22-уй).

1965 йил 24 июнь кундуз соат 3 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети тарих факультетининг илмий совети мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 32-уй, 36-аудитория) тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

А. Азларов: «Ўзбекистон Коммунистик партиясининг мактабни ҳаёт билан боғлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш соҳасидаги қураши (1956—1961 йиллар)» деган темада.

А. Каҳҳоров: «Коммунистик партиянинг Ўзбекистонда кўмир саноатини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун қураши (1940—1950 йиллар)» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

АНТИҚА ТОПИЛМАЛАР

● КЎЗАНИНГ ТАГИ НИМА УЧУН ТЕШИК? ● СИЧҚОН ОВЛАЙДИГАН ҚОПҚОНМИ ЁКИ СОАТ? ● ВАҚТНИ ЎЛЧАЙДИГАН ИДИШ ● «МАЗМУНИ СУЮҚ» ДЕГАН ИБОРА ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН? ● СУВ СОАТИНИНГ ЯНГИ ВАЗИФАСИ

★————————

Фарғона водисида еттинчи асрдан қолган қадимий бинолар қазилаётганда Узбекистон ССР Фанлар Академияси тарих ва археология институтининг илмий ходими тарих фанлар кандидати В. А. Булатова галати бир сопол буюм топиб олди. Бу буюм кўзага ўхшайди-ю, лекин унинг конуссимон тагида тешиги бўлса, бундай идишда сув сақлаб бўладими? Нима учун ёғ томонининг юқори қисми ўйилган-у, шу жойига лунидон қўйилган? Бу идиш бошқа мақсадларда ишлатилган бўлса, ажаб эмас. Аммо қандай мақсадларда ундан фойдаланилган? Тарих фанлари кандидати Л. И. Альбаум ҳам республиканинг бошқа қисмида — Сурхондарё областидаги Шўрчи атрофида худди ана шу даврга доир қадимий бинолларни қазиётганда худди шундай бир буюм топиб олди, юқоридаги саволлар уни ҳам қизиқтирди.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, бу идишлар сичқон овлайдиган қопқон бўлиб хизмат қилган. Уларнинг мулоҳазаларида ҳам мантиқ бор. Дарҳақиқат, уларнинг айтишига қараганда, бундай кўза ерга ётқизиб қўйилар экан. Унинг лўйидони ип билан тортиб кўтарилиб қўйилар экан, ип эса, идиш тагидаги тешикдан ўтказилиб, идиш ичидаги таёқчага боғланар экан. Таёқчанинг ост қисмига ўрак боғлаб қўйилар экан. Сичқон ҳўракни тортар, таёқча қулаб тушар ва ип тортилиб лўкидонни пастга туширар ва сичқон қамалиб қолар экан.

Демак, бу кўза немирувчи ҳайвонларга қарши курашда дастлабки қурол бўлган, кейинчалик ундан оламдаги барча санитария-эпидемик муассасалар фойдалана бошлаган экан-да.

Бу кўзалар тарих фанлари кандидати, қадимий ирригация масалалари билан шуғулланувчи мутахассис А. Р. Мухаммаджоновга ҳам кўрсатилди. Унинг мулоҳазаси бошқача бўлиб чиқди.

— Афтидан, бу топилмалар Урта Осиёдаги дастлабки сув соатлари бўлса керак, — деди у.

Адабий хужжатлар олимнинг бундай хулосасини тасдиқлаб турибди. Замонамизга етиб келган ёзма манбаларда далага сув қўйиш вақтини ўлчайдиган махсус кўзанинг тасвири келтирилган. Бу ёзувларга қараганда, ана шундай кўзанинг тагида тешик бўлган. Бу тешикка қамиш найча тиқиб қўйилган, кўзадаги сув эса, ана шу қамишдан муайян бир вақт ичида оқиб бўлар экан. Топилган кўзалар оддий эмас экан, улар билан вақт ўлчанган экан.

★————————

— Қадимий Грециядаёқ сув соатлари — клепсидралар бўлган, — деб ҳикоя қилади А. Р. Муҳаммаджонов. — Бундай соатлар ҳам ичига сув солинадиган идишлардан иборат бўлган. Идиш тагидаги кичкинагина тешикдан жомга сув оқиб тушар экан. Сувнинг кўзадан қанча вақт ичида оқиб тамом бўлиши аниқ бўлган.

Гапга чечанликда мусобақалашган нотиқлар ҳам ана шундай соатдан фойдаланганлар. Ортиқча маҳмадона одамлар тўғрисида «гапининг мазмуни суюқ» деган ибора, эҳтимол ўша қадим замонлардан бери сақланиб келган ибора бўлса ажаб эмас. Қадим замонларда Узбекистон аҳолиси сув соатидан ҳаётий муҳим мақсадларда фойдаланган. Қадимий кишилар бундай соатлардан сув манбаъларидан фойдаланишда навбат белгилаш учун фойдаланганлар.

Кейинроқ X асрда ва бундан кейинги даврда дори-дармон тайёрлашда, мунажжимларнинг осмон жисмларини кузатишларида сув соатларидан фойдаланилган. Бу тўғрида ҳар хил ёзма манбаларда айтиб ўтилади. Жумладан Беруний ана шундай соатлар тўғрисида ёзган. Беруний бундай соатнинг бакиндон деб аталганини ҳам айтиб ўтади. Бу соатлар жуда ҳам аниқликни талаб қилган. Кейинчалик қамиш найча ўрнига махсус қаттиқ минералдан найча ишланган. Аммо археологлар ҳозиргача бирорта ҳам бакиндонни топганлари йўқ.

Фарғона ва Шўрчида топилган буюмлар фан олдига яна бир масалани муаммо қилиб қўйди. Бу муаммони ҳал қилиш Узбекистон территориясининг қадимий халқлари ҳаётини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлади.

В. НОСОВ.
ЎзТАГ мухбири.

1500 ЙИЛЛИК КОН

Хоразм қадимий ёдгорликларини қидириш пайтида олтин гардишли феруза зеб-зийнат буюмлари кўп учраб туради. Қиммат-баҳо тош ва олтин қаердан олинган экан?

Бу буюмларни қайси қўли гул заргар ясаган. Мана шу саволларнинг ҳаммаси узоқ вақтгача жавобсиз қолиб келган эди. Уларнинг сирини Узбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг илмий ходимлари А. В. Гудкова ва Ю. П. Маниловлар топдилар.

Улар Султон вайс тоғида феруза қазиб олинган қадимий конни топдилар. Бу конлардан фойдаланиш эрамизнинг тўртинчи асридан бошланиб XIV асргача давом этган. Бу ерда феруза ер қатламига яқин бўлгани учун, уни чиқариш учун айтарли чуқур бўлмаган кон қазишнинг ўзи кифоя қилган. Шу карьерлардан бирининг узунлиги 400 метр келади.

— Кончилар, — дейди археолог Ю. П. Манилов, — энг катта заргари тошларни танлаб олганлар, майдалари эса тупроқ билан бирга чиқариб ташланар экан. Буларнинг ҳаммаси коннинг жуда бой бўлганлигидан дарак беради. Ун тўққизинчи асрда қидирувчилар конларда тош қидириб ўзларини қийнамасдан, уларни чиқариб ташлаган тупроқ орасидан топиб олганлар. Шулардан кейин ҳам тупроқ орасидан феруза топиш мумкин.

Жамлиқ қала шаҳридаги карьеридан айтарли узоқ бўлмаган жойда археологлар ҳар хил зеб-зийнат буюмлари ясаладиган заргарлик устахоналарини топдилар.

Тиллачи? Қаердан олинарди у? Заргарлар бошқа жойлардан келтириладиган тилладан заргарлик буюмлари ясаганларми?

— Йўқ, — деб жавоб беради археолог, — тиллани шу ернинг ўзида Султон вайс тоғидан қазиб олганлар. Амударёнинг ўнг қирғоғидаги тоғлардан бири Олтинтоғ деб аталади. Тилла қазувчилар ўн тўртинчи асрдаёқ у ердан бу нодир металлни топар эдилар. Кудуқлардан тилла қазиб чиқарар эдилар. Бундай кудуқларнинг баъзи бирлари ҳозиргача сақланиб қолган.

Ер қуррасида

Тинчлик манфаатларини кўзлаб

Совет жамоатчилигининг ташаббуси билан тинчлик, миллий мустақиллик ва куролсизланишга бағишланиб шу йил 10—15 июлда Хельсинкида ўтказиладиган Жаҳон Конгрессига ёрдам берувчи Совет Комитети тузилди.

Академик А. Е. Корнейчук комитетнинг раиси қилиб сайланди. Совет жамоат арбоблари, мамлакатдаги жамоат ташкилотларининг вакиллари — В. М. Анкудинов, В. Г. Бакаев, А. С.Беляков, Б. П. Бешчев, Б. С. Бурков, Д. П. Горюнов, Г. А. Жуков, Е. М. Жуков, М. И. Котов, Н. А. Кузнецов, В. И. Кочемасов, Е. Ф. Логинов, Н. Н. Месяцев, М. Д. Миллионщиков, П. Т. Пименов, Н. В. Попова, Б. Н. Полевой, В. Ф. Промислов, П. Н. Решетов, А. В. Романов, С. К. Романовский, Мирзо Турсун-Зода, Н. С. Тихонов, С. К. Тимошенко, Е. К. Федоров, З. Т. Федорова, В. М. Чхиквадзе, И. Г. Эренбург комитет составига кирди.

11 июнда академик М. Д. Миллионщиков раислигида комитетнинг мажлиси бўлди. Бу мажлисда Совет Иттифоқида Жаҳон Тинчлик Конгрессига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисидаги ахборотлар тингланди.

Комитет Хельсинкида ўтказиладиган Жаҳон Конгрессини қўллаб-қувватлаш соҳасида Совет тинчлик тарафдорларининг ишларини янада кучайтириш тадбирлари белгиладi.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРИЖ, (ТАСС). Донг-Ксюай шаҳри атрофида партизанлар билан Жанубий Вьетнам ҳукумат қўшинлари ўртасида бошланган шиддатли жанглар икки кундан бери давом этмоқда. Франс Пресс агентлиги мухбирининг Жанубий Вьетнамдан хабар беришича, шу жангларда Америка қўшинларининг қисмлари ҳам қатнашмоқда.

Хабар беришларича, партизанлар кечаги куннинг ўзида қўғирчоқ ҳукумат қўшинларининг 140 солдат ва офицерини қириб ташлаганлар. Вьетнамдаги агрессив уруш бошлангандан бери Америка қўшинлари ҳам энг катта талафот берди, Америка қўшинларидан 18 киши ўлдирилди ва 13 киши ярадор қилинди.

ДЕ ГОЛЛНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА ВИЗИТИ

ПАРИЖ, 11 июнь, (ТАСС). Франция президенти генерал Де Голль бугун визит билан Боннга йўл олди. Бош министр Помпиду, ташқи ишлар министри Кув Де Мюрвиль ва Франция ҳукуматининг бошқа аъзолари унга ҳамроҳ бўлиб бормоқдалар. Визит икки кун давом этади. Президент Де Голль Германия Федератив Республикасининг канцлери Эрхард ва президенти Любке билан учрашади.

КВАМЕ НКРУМА ЯНА ПРЕЗИДЕНТ

АККРА, 11 июнь, (ТАСС). Гана Республикасининг ҳозирги президенти Кваме Нкрума яна мамлакат президенти қилиб сайланди. Парламентнинг мажлисида 198 депутат Кваме Нкрумани президентликка қайтадан сайлаш учун якдиллик билан овоз берди.

Доминикана Республикасидаги аҳвол

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Сўнгги ҳафталарда генерал Имберт бошчилигидаги реакцион ҳарбий хунта Доминикана Республикасининг конституцион ҳукумати тарафдорларидан 40 дан ортиқ кишини қатл қилди.

Гарчи хунта вакили бу фактларни инкор қилган бўлса ҳам, ЮПИ агентлигининг хабарида айтилишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Санто Домингодаги вакили Майобре қатл қилинган жойнинг ўзида ўтга ташланган бир неча кишининг суякларини ва бир нечта янги қабрларни топган.

Хабар беришларича, Америка давлатлари ташкилотининг вакиллари одамлар қатл этилганлиги тўғрисидаги овозаларни «текшириб кўриш» ҳақида ўйламоқдалар.

Айни вақтда Америка давлатлари ташкилотининг «Воситачилари», шу жумладан АҚШ вакили Банкер Доминикананинг Вашингтонга манзур бўладиган янги ҳукуматини тузиш учун қилаётган ишларини тўхтатмаётирлар. ЮПИ агентлигининг хабарида айтилишича, яхши хабардор доираларнинг вакиллари Банкер билан унинг шерикларига корхона эгалари ва саноатчилардан иборат ҳукумат тузишга ҳаракат қилмоқдалар, деб айтганлар. Доминикана Республикаси экономикасида Уолл-Стрит капитали ҳукмрон роль ўйнаётганлигини ҳисобга олганда, бошқарти шундай ҳукумат тузиладиган бўлса, у, АҚШга тўла қарам бўлиб қолади, деб кутиш мумкин.

ТУРКИЯ ЖАЗОИР КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СССРНИ ҚАТНАШТИРИШ ТАРАФДОРИ

ИСТАМБУЛ, 11 июнь, (ТАСС). Туркияда чиқадиган «Жумҳурият» газетаси ташқи ишлар министрлиги вакилининг баёнотига асосланиб, қуйидагиларни хабар қилди: Туркия Осиё ва Африка мамлакатларининг Жазоирда ўтказиладиган конференциясида Совет Иттифоқини қатнаштиришни ёқлаб чиқмоқда.

Журналист Кайхан Сагламер «Жумҳурият» газетаси саҳифаларида босилган сиёсий обзорида конференцияда Совет Иттифоқининг қатнашмаслиги Осиёдаги миллионларча аҳолининг унда вакиллари бўлмаслигидан далолат берган бўлур эди, деб таъкидлади.

ГФРДА СУД ТЕРРОРИ

БОННН, 11 июнь (ТАСС). Фленсбургдаги суд (Германия Федератив Республикаси) Ғарбий Германия демократлари — Клаус Вейдле, Макс Вальнинг ва Карл Лоренценларнинг «иши» юзасидан ҳукм чиқарди. Суд Клаус Вейдле билан Макс Вальнигни тўққиз ой қамоққа, Карл Лоренценни эса, шартли равишда беш ой қамоққа ҳукм қилди.

Демократлар устидан бошланган «суд иши» бир неча йилдан бери чўзилиб келар эди. Вейдле, Вальнинг ва «Лоренценнинг гуноҳи» шундан иборат эдики, улар 1961 йилда Бундестагга ўтказилган сайловда мустақил коммунистик номзодлар сифатида овозга қўйилган ва шунинг учун Ғарбий Германия юстицияси уларни «қўпорувчилик фаолиятида» айблаган эди.

Вьетнам Демократия Республикасининг қаҳрамон халқи Америка агрессиясини мардонавор қайтариш билан бирга меҳнат фронтида ҳам ажойиб натижаларни қўлга киритмоқда. Ҳозирги кунда Куэнг Бинь вилояти қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари шолини йиғиштириб олишга киришдилар. Айрим бригадалар гектаридан 3 тоннагача ҳосил олди. Бу сўнгги пайтдаги энг юқори ҳосилдорликдир. Кооператив аъзолари елкада милтиқ билан меҳнат қилишяпти. Суратда: Дай Фонг кооперативида шоли йиғиштириб олинмоқда.

ВИА — ТАСС фотоси.

ГАЛЯ ГЎЁ ҚАЙТА ТУҒИЛДИ

Галя дугоналари билан янги фильм кўриш учун кино театр томон йўл олди. Чироқ ўчиб фильм энди бошланган ҳам эдики, Галя ўзини ёмон хис этабошлади. Аҳволини дугонасига айтди, икковлари залдан чиқиб кетишди. Қизнинг аҳволи янада оғирлашди. Энди у тамомила юролмай қолди, кўз олди қоронғилашди, нафас олиши, юрак уриши ҳам оғирлашди. «Тез ёрдам» машинаси етиб келгунча сабр қилмай тўғри келган машинада уни касалхонага олиб кетишди.

Тез ёрдам клиник касалхонасида врач-хирург Леонид Александрович Цой навбатчилик қиларди. Галяни дарҳол операция столига ётқизишди. Беморнинг бўғзига алланарса тиқилиб қолган эди. Бўйиндаги эски яра ўрни дарҳол кенгайтирилди. Хирург корцанг билан томоқдаги пахтани олиб ташлади. Бу пахта Галянинг бўйнига трахеотомик тешикни беркитиш учун қўйилган эди. Тампон олиб ташлангандан кейин сунъий йўл билан нафас олдирилди. Томир уриши аста меёрига туша бошлади. Қиз ҳаёти сақлаб қолинди.

Галя Бородина гўдаклигида Айҳободда бўлган кучли зилзилада шикастланиб, ҳаёти хавф остида қолганди. Алланарса бўйнини тешиб кетганди. Врачлар уни пахта билан беркитиб қўйишган эди.

Хирург Л. А. Цойнинг маҳорати туфайли у яна қайта туғилгандек бўлди.

А. КИМ.

Деворий газеталар кўриги

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида ҳар йили факультетлараро чиқадиган деворий газеталар кўриги ўтказиб турилади. Конкурсда энг яхши деб топилган деворий газеталар мукофот ва ёрлиқлар билан тақдирланади.

Яқинда бу йилги кўрик натижалари эълон қилинди. Кутубхонашунослик ва библиография факультетида чиқадиган «Библиограф» деворий газетаси биринчи мукофотни олди. Газетада студентлар ҳаётини акс эттирувчи хилма-хил материаллар бериб борилган, шеър, ҳикоялар, айниқса «Ништар» рубрикаси остида ёритилган танқидий материаллар ўқимишли чиққан. Деворий газета редколлегияси «Комета» радиоласи билан мукофотланди. Актив мухбирларга Фахрий ёрлиқлар ва совғалар топширилди.

У. САИДОВ.

Ғолиб штангачилар

Чирчиқ шаҳрида Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод ва Чирчиқ шаҳар оғир атлетикачилари ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Электрохимия комбинати паркида уч кунгача ишқибозлар полвонларнинг чиқишларини мароқ билан томоша қилдилар.

Чирчиқлик Валентин Сичев ва олмалиқлик Ҳамид Тошпўлатов шахсий ҳисобда юксак натижа кўрсатди. В. Сичев уч курашда 400 килограмм, Х. Тошпўлатов эса 342,5 килограмм штангани кўтарди.

Умумкоманда ҳисобида Олмалиқ штангачилари ғолиб чиқишди. Бундан аввалги мусобақаларда Чирчиқ вакиллари устун келишган эди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ФУТБОЛ

УЧ ПОҒОНА ЮҚОРИ

«Политотдел» колхози футболчилари кейинги ўйинларни бир мунча юқори савияда ўтказмоқдалар. Ереванда «Арарат» командасидан олинган бир очко футболчилар рухини анча кўтариб юборди.

Утган куни қишлоқ футболчилари ўз майдонларида Фрунзенинг «Олга» командасини қабул қилди. Ўйин политотделчиларнинг актив ҳужуми билан бошланди. Улар қандай бўлмасин галаба қозониш ниятида майдонга тушганликлари сезилиб турарди. Д. Ан ҳисобни очгандан кейин ҳам майдон эгалари ҳужумни тўхтатмадилар. Аммо ҳужумчилар чиройли комбинацияларни охирига етказиша олмас хал қилувчи дақиқаларда шошилиб қолишарди. Бу галаба «Политотдел» командасига турнир жадвалида уч поғона юқорига кўтарилишга имкон берди: шу группадаги бошқа ўнрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Заря» (Луганск) — «Кубань» ((Краснодар) — 3:1, «Днепр» — «Карпати» — 0:0, «Даугава» — «Динамо» (Таллин) — 1:0, «Арарат» — «Ростсельмаш» — 3:0, «Динамо» (Ленинград) — «Шинник» — 0:3, СКА (Новосибирск) — «Волга» (Калинин) — 0:0.

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	У.	Т.	О.
«Заря»	13	17—3	22
«Днепр»	14	14—7	20
«Қайрат»	12	14—5	17
«Шинник»	13	15—8	16
«Даугава»	13	13—11	16
«Карпати»	14	12—10	15
«Арарат»	14	14—16	15
СКА	12	13—10	13
«Кубань»	13	11—13	10
«Динамо» (Л)	12	13—16	10
«Волга»	13	6—10	10
«Жальгирис»	12	10—16	9
«Политотдел»	14	7—15	9
«Динамо» (Т)	12	7—13	8
«Ростсельмаш»	12	5—11	8
«Олга»	13	7—14	8

Эслатма: «Қайрат» — «Жальгирис» командалари ўртасидаги учрашув 25 июнга қолдирилди.

Редактор ўринбосари Т. РАСУЛЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь—34808. Пропаганда ҳаёт ва санъат бўлимлари—31936. Партия гурмуши бўлими—26232. Саноат транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятва ёшлар ҳаёти бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02045. Индекс — 64969. Нашр. № 1781.